Аннотация. *Соғлиқни сақлаш соҳасидаги катта сайи-ҳаракатлар ва сезиларли ўзгаришларга қарамай ўта ҳавфли касалликлардан ўлатга қарши кураш бутун дунёда муаммолигича қолмоқда. Ўлат касаллиги инсон саломатлиги учун доимо хавф туғдириб келган. Ҳозирги кунда бу касалликни бирламчи ташхисоти патоген хужайраларни ажратиб олиш, микробларнинг изоляция қилинган культураларини ўзига хос антигенларни, антитаначаларни ва қўзғатувчининг генетик тизимли хужайраларини қидириш ва аниқлашда фақат тартибот қоидалари асосида фаолият олиб бориш муҳимдир. Лабораториядан олинган ҳар бир натижалар текширувнинг барча босқичи учун расмий хулосалар беришда асос бўлиб хизмат қилади.*

Калит сўзлар: *ўлат касаллиги ташхисоти, лаборатория индикатори, ўлат капсула антигени F1, Caf1 гени.*

Annotation. *Despite significant efforts and significant changes in public health, the fight against epidemics remains a global challenge. Plague has always been a threat to human health. Currently, the primary diagnosis of this disease is carried out by isolating cultures of microbes, identifying and isolating specific antigens, antibodies and cells of the genetic system of the pathogen. Each of the results obtained in the laboratory serves as the basis for issuing official conclusions for each stage of the study.*

Key words: *plague diagnostics, laboratory indicator, F1 capsular plague antigen, Caf1 gene.*

Аннотация. *Несмотря на значительные усилия и существенные изменения в общественном здравоохранении, борьба с эпидемиями остается глобальной задачей. Чума всегда представляла угрозу для здоровья человека. В настоящее время первичная диагностика этого заболевания осуществляется путём выделения культур микробов идентификации и изоляция специфических антигенов, антител и клеток генетической системы возбудителя. Каждый из полученных в лаборатории результатов служит основанием для выдачи официальных заключений по каждому этапу исследования.*

Ключевые слова: *диагностика чумы, лабораторный индикатор, капсульный антиген чумы F1, ген Caf1.*

Кириш. Ўлат – табиий-ўчоқли ўткир юқумли касаллик бўлиб, унинг таббий ташувчилари ёввойи ва синантроп кемирувчилардан: кирпи, қуён, сичқон, бўри, тулки, жайрон, архар, каклик, бойўғли, тустовуқ, туя, ит, мушуклардир. Табиий ташиб ўтказувчилари – бургалар, каналар ҳисобланади.

Ўлат касаллигида юқумли жараённинг оғир кечиши, бу касалликда одамларнинг юқори ўлим даражаси ва қўзғатувчининг эпидемик тарқалиш эҳтимоли ўлатнинг карантин инфекциялари, деб аталадиган гуруҳга киритишнинг асосий мезонига айланди, уларнинг эпидемиологик назорати халқаро стандартлар ва санитария қоидалари билан тартибга солинади. Шунинг учун, эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг асосий бўлимлари – клиник, эпидемиологик ва лаборатория, иш сифатини ва унинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш учун тегишли услубий стандартларга эга бўлиши керак. Ўлатнинг лаборатория диагностикаси эпидемияга қарши мажбурий чора-тадбирлар мажмуаси сифатида алоҳида ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг натижалари юқумли жараённинг этиологиясининг моддий кўрсаткичлари – патоген хужайраларни, микробларнинг изоляция қилинган культураларини , ўзига хос антигенларни, антитаначаларни ва қўзғатувчининг генетик тизимли хужайраларини қидириш ва аниқлаш билан боғлиқ.

Мақсад. Ўлат лаборатория диагностикасининг индикаторлари аҳамиятини ўрганиш.

Усуллар. Ўлатнинг лаборатория диагностикасида ўтказилиши зарур бўлган эпидемияга қарши чора тадбирлар мажмуаси алоҳида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг натижалари юқумли жараённинг этиологиясининг моддий кўрсаткичларини – қўзғатувчи ҳужайраларини, антигенлар, антитаначалар ва патоген ҳужайраларнинг генетик тузилишини, микробларнинг изоляция қилинган культураларини, ўзига хослигини излаш ва аниқлаш билан боғлиқдир. Ўлатнинг лаборатория диагностикасида фақат тартибот қоидаларига асосланган текширув усулларидан фойдаланилиб, уларнинг натижалари текширувнинг ҳар бир босқичи учун расмий хулосалар учун асос бўлади. Ҳар бир тадқиқот натижаларини ҳисобга олиш қатъий ўзига хос бўлмаган ёки ўзига хос лаборатория кўрсаткичлари – ўлат қўзғатувчисининг мавжудлиги белгиларини қайд этишдан иборат.

Кўрсаткичлар икки хил бўлиб: улардан биринчиси, маҳсус бўлмаган кўрсаткичлар: Грам усули билан бўялган препаратларнинг бактериоскопиясида бактериал хужайранинг мавжудлиги ва морфологиясида эса овалсимон шаклдаги грамманфий биполяр бўялган бактериялар топилади. Клиник ва эпидемиологик кўрсаткичлар мавжуд бўлганда ва лаборатория текширувининг бошқа усуллари мавжуд бўлмаганда, бундай ҳолатларни рўйҳатга олиш "Ўлатга шубҳали", деган хулоса чиқаришга имкон беради. Шунга ўхшаш вазиятда ўлат хужайраларининг топилмаслиги ўлатга шубҳани олиб ташлашга имкон бермайди. Ушбу усулнинг сезгирлиги микроскопда кўриш майдонида битта хужайра 2 мм диаметрли бактериологик илмоқ билан препарат учун намуналар олишда 10^7 м.х/мл./г.га тенг бактериялар концентрациясига тўғри келади.

Иккинчиси маҳсус кўрсаткичлар: Препаратни люминесцент микроскопда F1 мавжуд бўлган зардобга қарши флюоресценция қилинган сўнг бактерияларда нурли капсуланинг мавжудлиги. Экспресс тезлаштирилган диагностика босқичида ижобий натижа "Ўлат" ҳақидаги дастлабки хулосани беришга асос бўлади. Ўлат касаллигининг клиник ва эпидемиологик белгилари мавжуд бўлганда ва лаборатория тадқиқотининг бошқа усулларини ўтказиш мавжуд бўлмаганда, флюоресценция антитаначалари усулининг (МФА) ижобий натижаси "Ўлат" деган хулосага келиш учун асос бўлади.

Усулнинг сезгирлиги ёруғлик микроскопидаги бактериоскопиядагидек бир хилдир. Серологик реакциянинг мусбат натижаси асосан турга хос бўлган капсулали антиген F1ни топишга қаратилгандир. Экспресс ва тезлаштирилган диагностика босқичидаги мусбат натижа, ўлатнинг клиник ва эпидемиологик белгилари мавжуд бўлганда, "ўлат"-нинг дастлабки хулосасини бериш учун асосий сабабдир. Бошқа лаборатория усуллари мавжуд бўлмаганда, F1 мавжудлиги учун ижобий натижа "ўлат" касаллиги борлиги тўғрисида хулоса берилади.

Эритроцит диагностикум билан агглютинация усулларининг энг юқори сезувчанлиги 10-16 минг. м.х., ўлат қўзғатувчисининг F1га қарши маҳсус антитаначаларини қидириш ва рўйҳатга олишга қаратилган серологик реакциянинг ижобий натижасидир. Ушбу тестнинг экспресс диагностика босқичида ижобий натижали клиник ва эпидемиологик кўрсаткичлар мавжуд бўлганда "ўлат"нинг дастлабки хулосасини беришга асос бўлади. Ушбу тестнинг ижобий натижаси, лаборатория диагностикасининг бошқа усуллари мавжуд бўлмаганда, клиник ва эпидемиологик кўрсаткичлар мавжуд бўлганда, "ўлат" хулосаси учун асос бўлади.

Ўлат билан касалланган беморларнинг қон зардобидаги диагностик антитаначалари диапозони 1:20-40- 1:80000, F1капсула антигени синтези ва ишлаб чиқарилишини аниқлайдиган Caf1 генини қидириш ва рўйҳатдан ўтказишда ижобий полимераз занжир реакцияси натижаси (бактериологик препаратлар ва ингридиентлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Дори воситалари, тиббиёт буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқарувчининг сертификатига асосан олиб кирилишига рухсат асосида) нинг бўлиши муҳимдир.

Клиник ва эпидемиологик кўрсаткичлар яққол мавжуд бўлганда, тезкор ва тезлаштирилган диагностика босқичида ушбу тестнинг мусбат натижаси "ўлат"га дастлабки хулоса беришга асос бўлади.

Лаборатория тадқиқотининг бошқа усуллари ва клиник ва эпидемиологик кўрсаткичлар мавжуд бўлмаганда, ушбу тестнинг мусбат натижаси “ўлат” хулосаси учун асос бўлади.

Усулнинг сезгирлиги – 100 – 1000 м.х.да

Тезлаштирилган диагностика босқичида ашёдан ажратилаётган культурани экиш пайтида ўлат диагностик бактерияфаглари билан мусбат тест натижаси. Клиник ва эпидемиологик кўрсаткичлар мавжуд бўлганда, тест бизга “дастлабки хулоса “ўлат” ташхисини беришга имкон беради. Лаборатория диагностикасининг бошқа усуллари ва клиник ва эпидемиологик кўрсаткичлар мавжуд бўлмаганда, мусбат тест натижаси “ўлат” деган хулосада келишимизга имкон беради.

Ўлат қўзғатувчилари культураларини касаллар (мурдалар) ва касалланганлар билан бевосита мулоқатда бўлган шахслардан ажратиб олиш “Ўлат” деган хулосага келишимизга имкон беради.

Хулоса. Ушбу тестларнинг ижобий натижаларининг ўзига хослиги тегишли назорат тест маълумотлари билан тасдиқланиши керак. Клиник ва эпидемиологик жиҳатдан қайд этилган юқумли жараён, қоида тариқасида, ўлат микробининг типик вариантлари ҳисобланади. Ўзгарган хусусиятларига эга ўлат микробини одамдан ажратиш жуда кам учрайди. Биокимёвий тестлар диагностика тестлари ҳисобланмайди. Ўлатга шубҳа қилинган ҳолатларни лаборатория диагностикаси имконияти бўлмаганда, ўлат ташхиси клиник ва эпидемиологик белгилар асосида (шубҳали ташхиси) қўйилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдикаримов С.Т., Ибрагимов Э.Ш., Эгембергенов Ч.Э. Современное эпизоотическое состояние природных очагов чумы Кыргызской Республики и мероприятия, направленные на обеспечение эпидемиологического благополучия по чуме // Пробл. Особо опасных инф. – 2018. – Вып.2. – С. 40-44.
2. Неъматов А.С., Эшбоев Э.Х., Базарова Г.Р., Хусанов О.А. Y.pestis қўзғатувчисининг антибиотикларга сезгирлигини аниқлашнинг аҳамияти // Инфекция, иммунитет и фармокология.-№5. 2022. – С.197- 204.
3. Никифоров К.А. Внутривидовая дифференциация штаммов Yersinia pestis // Автореф. дис. ... канд.мед.наук. – Саратов, 2016. 22 с.
4. Никифоров К.А., Морозов О.А., Куклева Л.М., Носов Н.Ю., Ерошенко Г.А. и соавт. Популяционная структура и таксономия штаммов Yersinia pestis центральноазиатского подвида //Генетика. 2018. –Т.54 (10). – С. 1125.
5. Kutyrev V.V., Eroshenko G.A., Motin V.L. et al. Phylogeny and classification of Yersinia pestis through the lens of strains from the plague foci of Commonwealth of Independent States // Front. Microbiol. 2018. –V9. -1106.
6. Попов Н.В., Карнаухов И.Г., Кузнецов А.А. и соавт. Совершенствование эпидемиологического надзора в природных очагах чумы Российской Федерации и прогноз их эпизоотической активности на 2022г // Проблемы особо опасных инфекций. 2022. Вып.1. – С. 35-42.
7. Yersinia pestis: The Natural History of Plague// Barbieri R. et al // Clin. Microbiol Rev. 2020/PMID: 33298527.

Неъматов, А.С,
“Тиббий ходимларни касбий малакасини ривожлантириш маркази”
Базарова Г.Р,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси

ЎЛАТ ҚЎЗҒАТУВЧИСИ ЭПИЗОТИК ЖАРАЁНИ КЕТАЁТГАН ЧЕГАРАЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

Аннотация. *Республиканинг ўлат табиий ўчоқли чўл ҳудудларида эпизотик жараён давом этаётган майдонлар чегарасини белгилаш касалликнинг қай даражада ҳудудда тарқалиш ҳолатини олиб борилиши зарур бўлган чора тадбирларини белгилашда аҳамияти каттадир. Ҳудудларда давом этаётган эпизотик жараёнларни интенсив ва экстенсив кўрсаткичлари мавжуд бўлиб бу кўрсаткичлар текширув майдонларидан қай даражада тадқиқот учун намуналар олиб келинади ва улар ўлатни қайси аниқлаш усулларидан фойдаланишни белгилаб беради. Ҳар бир текширув олиб борилаётган сектор ва квадратларни аниқ белгилаш ва аҳоли яшаш жойларида профилактика ишларини ташкиллаштиришни мувофиқлаштиради.*

Калит сўзлар: *эпизотик жараён, ўлат қўзғатувчиси, интенсив ва экстенсив кўрсаткичлар*

Annotation. *Determining the boundaries of areas where the epizootic process continues, in the desert regions of the republic with natural foci of plague, is of great importance in establishing the degree of spread of the disease in the area and taking the necessary measures. There are intensive indicators of the occurrence of epizootic processes in the region, and seven indicators are used to determine the volume of the probe with the observed areas for research and the application of the method of detection. Each inspection coordinates the precise definition of sectors and areas and the organization of preventive measures in settlements.*

Key words: *epizootic process, plague agent, intensive and extensive indicators*

Аннотация. *Определение границ ареалов, где продолжается эпизоотический процесс, в пустынных районах республики с природными очагами чумы имеет большое значение в установлении степени распространения болезни на местности и принятии необходимых мер. Различают интенсивные и экстенсивные индикаторы протекания эпизоотических процессов в регионах, и эти индикаторы определяют объемы отбора проб с обследуемых участков для исследований и применяемые методы обнаружения возбудителей. Каждая проверка координирует точное определение секторов и площадей и организацию профилактических мероприятий в населенных пунктах.*

Ключевые слова: *эпизоотический процесс, возбудитель чумы, интенсивные и экстенсивные показатели*

Кириш. Ўлат қўзғатувчисини табиатда тарқалганлик ҳолатини аниқлашда эпизотик жараён чегараларини белгилаш катта аҳамият касб этади. Биз танишиб чиққан адабиётларда эпизоотологик текширув натижасида чегараларни жойлашган майдонларини аниқлаш тўғрисидаги маҳсус тавсияларни учратмадик. Шу билан бирга, эпизотик ҳудуднинг чегараларини билиш эпидемия ҳудудида турли хил профилактика чораларини кўриш ва жойлаштиришни тўғри аниқлашга имкон беради.

Мақсад. Ўлат қўзғатувчиси эпизотик жараёни кетаётган чегараларни аниқлашда кўрсаткичларни белгилаш.

Материаллар. Ўлатнинг табиий чўл ўчоқларини паспортизация қилиш тугалланганда сўнг эпизоотия чегараларини аниқлаш масаласи анча соддалаштирилди, бу ўчоқлар ҳудудини географик харитада квадратлар тўрини қўйиш йўли билан тенг ўлчамдаги майдонларда расман тақсимлашни назарда тутади. Энг кичик бирлик – бу бирламчи ҳудуднинг сектори 10 км квадрат шаклга эга бўлган ҳудуднинг бир қисмидир. Квадратларга бўлиш усули эпизоотия чегараларини аниқлаш учун кенг қўлланиладиган тушунчалардан, масалан, нуқта ёки ўрганиш нуқтасидан воз кечишга имкон беради.

Натижалар. Ҳар бир ҳудуднинг бўлинган маълум қисмлари секторларга ажратилади. Ажратилган ҳар бир сектор эпидемиянинг минимал шартли ҳудудий бирлиги ҳисобланганлиги сабабли, ўлат билан зарарланган ҳудудлар аниқланганда, ушбу секторнинг бутун ҳудуди эпизотик ҳудуд, деб эътироф этилиши керак. Бу ердан эпизоотия чегаралари бир-бирига туташ ўлат таъсир кўрсатадиган секторларнинг умумий аниқланган ҳудуди билан белгиланади.

Амалиётда ёки лаборатория текширув ишларида даладан олиб келинган материалнинг намуналарида ўлат қўзғатувчиси культураси мавжуд бўлмаганда, ўзига хос антителолар учун қон зардобини серологик тадқиқотларда ижобий натижа берадиган ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. Бундай шароитда агар РНАГ (реакция нейтрализации антигена) титрлари бўлса, эпизоотия намуна олиш вақтида давом этганлигини юқори эҳтимоллик билан тахмин қилиш мумкин. Агар РНАгнинг титрлари РПГА (реакция пассивной гемаглютинации) никидан тўрт баробар ёки ундан кўп ошса ёки фақат РНАг мусбат бўлса, титр 1:80 дан кам эмас. Умуман олганда эпизоотологик жараённинг асосий икки хил кўрсаткичлари мавжуд.

Эпизоотологик жараённинг интенсив кўрсаткичлари – зарарланган кемирувчилар ёки паразитларнинг умумий сонидан улуши нисбий аҳамиятга эга, чунки қабул қилинган тадқиқот усуллари уларни борлигини аниқлаш имкониятини истисно қилади. Амалий лаборатория ишларида ўлатга ташхис қўйишнинг асосий усули гуруҳли тадқиқот усули ҳисобланади. Бургалар ва каналар қўлланмага асосан Петри косачасидаги маълум озуқа муҳитларида гуруҳли экиш йўли билан ўрганилади. Кемирувчиларни текширишда эса одатда улар индивидуал ёки гуруҳли ўтказилиб, озуқа муҳитига экилади ва шу билан бирга параллел биологик синамалар билан бирлаштирилди. Патоген культураларни фақат биологик синама ёки гуруҳли экиш орқали ажратиб олиш доимо ўз ҳосилини беравермайди, шунинг учун ўлат билан зарарланганларни аниқ санаб бўлмайди, гарчи ўрганилган кемирувчилар ва эктопаразитлар сони доимо маълум бўлса ҳам. Шунинг учун эпизоотия интенсив кўрсаткичи маълум даражада шартли равишда патоген ажратилган культуралар сонини ўрганилаётган объектларнинг умумий сонига нисбати билан ифодаланади, бундай кўрсаткичлар кемирувчилар ва эктопаразитлар учун алоҳида ҳисобланади. Эктопаразитларни гуруҳли ўрганиш натижаларига кўра, ўлат қўзғатувчиси билан бургаларнинг ҳақиқий зараланишини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган бўлиб, ўрганилаётган гуруҳлардаги эктопаразитлар сони тенг бўлган тақдирдагина қўлланилади, амалий ишда буни ҳар доим ҳам кузатиш мумкин эмас.

Эпизотик жараённинг кенг тарқалганлигининг энг умумий ва оддий экстенсив кўрсаткичи сифатида текширилган намуналар умумий сонидан ўлатга ижобий бўлган намуналар улушини қўллаш тавсия этилади ва намуна бир нуқтадан етказиб бериладиган барча дала материаллари ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич умумий маънода эпизотик жараённинг ҳудуд бўйлаб тарқалиш даражасини тавсифлайди, деб тахмин қилинади. Эпизоотияларнинг экстенсивлигини тавсифловчи маълумотларни олишга бундай ёндашувнинг асосий камчиликларини кўриш қийин эмас. Пункт тушунчасининг ноаниқлигига эътиборни қаратсак, у ҳар хил ўлчамдаги ҳудудни қамраб олиши мумкин. Текширув майдони бўйича пунктларнинг бир хил тақсимланиши билан ҳам, ижобий намуналар нисбати ҳар доим ҳам эпизоотиянинг ҳудудий тарқалиш даражасини тўғри аниқлай олмайди. Олинган пробалар миқдори ҳамма ҳолларда бир хил эмас ва инфекцияланган объектларни аниқлаш эҳтимоли кўп жиҳатдан текширилаётган материалнинг ҳажмига боғлиқ. Ҳар бир пробадан

олинган намуналар сони бир хил эмас. Кўпинча эпизоотия йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун зарарланмаган ҳудудлардан кўпроқ намуналар олинади. Бундан ташқари, эпизотик нуқталардан олинган ҳар бир намуна ижобий бўлиши мумкин эмас.

Эпизоотиянинг кенг кўламли кўрсаткичлари, мусбат намуналар улушининг ифодаси, аксарият ҳолларда ҳақиқийдан сезиларли даражада пастдир. Бироқ, баъзида текширилаётган пунктлар асосан эпизотик фаол бўлган ҳудуд билан чегараланган бўлса ва зарарланмаган ҳудудларга қараганда, зарарланган ҳудудлардан кўпроқ намуналар олиб ўрганилса, олинган натижаларга ҳам таъсир қилиши мумкин. Эпизотик экстенсивликнинг янада объектив кўрсаткичларини(“ўлат билан зарарланган” секторлар сонининг ўрганилаётган тармоқлар сонида фоиз нисбати) ўлатнинг табиий ўчоқларини паспортизациялаш маълумотларидан фойдаланган ҳолда олиш мумкин.

Шундай қилиб, тўғридан-тўғри, яъни билвосита эмас, аниқланган кўрсаткич эпизотик жараённинг маълум жойда тарқалганлигини ифодалайди. Баъзи секторларда эпизоотияни ўтказиб юбориш имконияти туфайли зарарланган секторлар улуши ҳам экстенсивлик индексининг ҳақиқий қийматидан паст бўлиши мумкин. Эпизотик жараённинг қай даражада кетаётганлигини эпизоотологик текширувнинг шакллари орқали аниқлаш мумкин. Текширув чора тадбирларини кетма-кетлиги, ҳажми ва йўналишини режалаштиришда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

– ёввоий ҳайвонлар орасида эпизоотия давом этаётганда, инсонларнинг юқиш хавфини белгиловчи ижтимоий ва табиий омиллар. Аҳолининг тўпланиш жойларида, одамларнинг ёввоий табиат билан энг кўп алоқада бўладиган жойларига (чорвадорлар, нефть ва газ, табиий бойлик қидирувчилар ёки қурилиш ишлари олиб бориладиган жойлар, меҳнаткашларнинг дам олиш таътиллари ва бошқалар) катта эътибор берилади.

– ўлат эпизоотияларининг пайдо бўлиш эҳтимолини аниқлайдиган табиий омилларнинг ҳолати (ташувчилар ва эктопаразитларнинг тарқалиш характери ва сони). Бундай ҳолда, фаоллашган ҳудудларнинг аввалги фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш зарур. Ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган эпизотик ҳудудларни ажратиш.

– зарур профилактика чора-тадбирлари кўлами ва характерини аниқлаштириш учун ҳудуднинг эпизотик ҳолати тўғрисида қўшимча маълумотларга эҳтиёж.

– ҳудудни эпизотик нуқтаи назардан ўрганиш даражаси. Ўрганилмаган ва кам ўрганилган ҳудудлар эътибордан четда қолмаслиги керак.

Хулоса. Демак, эпизоотиянинг интенсивлиги ва экстенсивлиги ўртасидаги боғлиқлик аҳамиятга эгадир. Эпизотик жараённинг интенсивлиги қанчалик юқори бўлса, текшириш натижалари шунчалик ишончли бўлади ва экстенсивлик кўрсаткичлари шунчалик аниқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдикаримов С.Т, Ибрагимов Э.Ш., Эгембергенов Ч.Э. Современное эпизоотическое состояние природных очагов чумы Кыргызкой Республики мероприятия, направленные на обеспечение эпидемиологического благополучия по чуме // Пробл. особо опасных инф. -2018. –Вып.2. -С 40-44.
2. Дятлов А.И. О жизни, науке и чуме. –М. Издательство «Династия». – 2019. -240 с.
3. Кутырев В.В., Попова А.Ю., редакторы. Кадастр эпидемических ва эпизоотических проявлений чумы на территории Российской Федерации и стран ближнего зарубежья (с 1876 по 2016 год). –Саратов: ООО «Амирит», 2016. -248 с.
4. Попов Н.В., Ерошенко Г.А., Карнаухов И.Г., Кузнецов А.А., Матросов А.Н., Иванова А.В., Оглодин Е.Г., Никифиров К.А., Корзун В.М., Вержуцкий Д.Б., Чипанин Е.В., Аязбаев Т.З., Джапарова А.К., Бердиев С.К., Лопатин А.А., Дубянский В.М., Щербакова С.А., Балахонов С.В., Куличенко А.Н., Кутырев В.В. Эпидемиологическая ситуация по чуме в 2020 г. Прогноз эпизоотической активности природных очагов чумы Российской Федераций и других стран СНГ на 2021 г. Проблемы особо опасных инфекций. 2021; 1:48-53. DOI: 10.21055/0370-1069-2021-1-52-62.
5. Levy Y. Developmental delay revisited // Dev. Disabil. Rev. -2011. – 17 (2). – P. 180-184.

6. Муаллифлар: Гулнора Рустамовна Базарова, тел.: +998 94 622 59 70. Иш тел.: 78 888 01 01 (012) E.mail: *gulnorabazarova599@gmail.com*

Г.П.Раджапбаева,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими бош мутахассиси,
Х.М.Мустафаев,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг бош маслахатчиси т.ф.д.,
Д.Нуритдинова,
Фарғона Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими эпидемиологи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС COVID-19, ГРИПП ВА БОШҚА ЎТКИР РЕСПИРАТОР ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК МОНИТОРИНГИ НАТИЖАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Кириш. 2020 йил 11 март куни, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан коронавирус COVID-19 инфекциясининг тарқалишини инобатга олган ҳолда пандемия эълон қилинди.

2020 йилнинг бошидан коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши курашиш соғлиқни сақлаш тизимининг барча сохаларининг асосий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ушбу инфекцияга қарши курашишда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўз вақтида белгилаш ва тадбиқ этиш мухим ўрин эгаллайди.

Профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни белгилашда кунлик эпидемиологик мониторинг ўрнатилиши, ушбу касалликка қарши олиб борилаётган ва беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам бўйича ишларни баҳолашда катта ахамиятга эга [1].

Айнан грипп ва ўткир респиратор инфекциялар 2022-2023й.й. мавсумида аҳоли ўртасида грипп, ўткир респиратор инфекция, ўткир зотилжам, оғир ўткир респиратор инфекциялар ҳамда коронавирус COVID-19 инфекцияси ҳолатлари юзасидан эпидемиологик мониторинг ўрнатиш, ушбу инфекцияларга қарши чора-тадбирларни белгилашда катта аҳамиятга эга [4, 5].

Коронавирус COVID-19 ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар бўйича олиб борилаётган эпидемиологик мониторинг ва дунёдаги вазиятни ўрганиш, баҳолаш тегишли тадқиқотнинг асосий мавзусидир.

Муаммонинг долзарблиги. Ўтган йилнинг сентябрь ойида ЖССТ раҳбари Тедрос Адханом Гебрейесус коронавируснинг фавқулодда ҳолати тез орада олиб ташланишига умид билдирган эди, бироқ эпидемиологик вазият Хитойда кескин авж олиши ва 2023 йил бошида дунё бўйича ўлим сонининг глобал ўсиши бу прогнозларни шубҳа остига қўйди.

Шу муносабат билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) жорий йилнинг 30 январ куни бўлиб ўтган йиғилишида деярли уч йил олдин эълон қилган Совид-19 пандемиясининг тугашини аниқлаш мумкинми ёки йўқлигини муҳокама қилди ва Совид-19 пандемиясини тугатган деб ҳисоблаш учун ҳали эрта деб қарор қилди.

ЖССТ раҳбари фавқулодда вазиятлар бўйича Эксперт қўмитасининг жорий йилнинг 27 январдаги йиғилишида берилган тавсияларига рози бўлди, дейилади ташкилот баёнотида.

Расмий равишда, қарор ковид халқаро аҳамиятга эга бўлган соғлиқни сақлаш фавқулодда ҳолати мақомини сақлаб қолишини англатади деди Тедрос Адханом Гебрейесус.

ЖССТ раҳбари шу билан бир қаторда 2022 йил декабрь ойидан бери дунё бўйлаб Совид-19 дан ўлганлар сонининг кўпайишидан хавотирда эканлигини билдирди.

Хитойда декабрь ойи бошида расмийлар нол ковид сиёсатидан воз кечганидан бери, январь ойи ўрталарида Совид-19 ташхиси қўйилган 60,000 киши касалхоналарда вафот этганлиги маълум қилинган. Бу ҳукуматнинг расмий маълумотлари, бироқ экспертларнинг фикрича, ҳақиқий кўрсаткич анча юқори, чунки уйда вафот этганлар ҳисобга киритилмаганлиги айтилган.

«Ҳозирда пандемия авж олган уч йил олдинги ҳолатга қараганда анча яхши ҳолатда бўлсак-да, глобал жавоб кучларига босим яна кучайди», деди ЖССТ раҳбари. Бунинг сабаби, Гебрейесуснинг сўзларига кўра, дунёда эмланганлар сони етарлича эмаслиги, вирусга қарши дори-дармонларга чеклангaнлиги ва кўплаб мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимлари нафақат ковид, балки бошқа ўткир респиратор касалликлари билан касалланган беморлар оқимига дош бера олмаслигидир [1, 2].

Шу кунгача GISAID томонида коронавирус COVID-19 инфекциясининг Альфа (B.1.1.7), Бета (B.1.351), Гамма (B.1.1.248), Дельта (B.1.617.2),

Омикрон (B.1.1.529) вариантлари идентификация қилинган [2].

АҚШ ва бошқа Европа давлатларида XBB.1.5 омикрон субварианти кўпайган. Ушбу штамм биринчи маротаба 2022 йил 22 октябрида АҚШда аниқланган, у ҳозиргача деярли 30 мамлакатда топилган ва тез жадалда ўсиб бормоқда. У бутун Европада Австрия, Белгия, Германия, Дания, Нидерландия, Франция, Испания, Италия, Исландия, Ирландия, Португалия, Чехия ва Швеция, АҚШ, Буюк Британия, Канада, шунингдек, Ҳиндистон, Австралия, Колумбия, Хитой ва бошқа мамлакатларда топилган. Республикада коронавируснинг янги XBB.1.5 “кракен”субварианти аниқланмаган [2, 3].

Аҳоли саломатлигини сақлаш, барқарор эпидемик вазиятни таъминлаш ва коронавирус инфекциясининг тарқалишининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар натижасида мамлакатда барқарор эпидемик вазият кузатилмоқда.

ЖССТнинг (https://www.worldometers.info/coronavirus) маълумотига кўра, касалланиш АҚШ, Ҳиндистон, Франция, Германия, Бразилия, Италия, Буюк Британия давлатларида коронавирус инфекцияси билан касалланларни сони 2023 йилнинг январь ойига қадар юқори бўлган. Шу кунларда ушбу давлатларда касалланган сони кескин камайганлиги кузатилди [2].

Шу билан бир қаторда 2023 йилнинг ўтган даврида Япония, Жанубий Корея, Тайван давлатларида касалликнинг ўртача кунлик қайд этилиши 23-44 мингтани ташкил этмоқда [2, 5].

Жорий йилнинг сўнги 14 кунлик (2023 й. 16–29 январь) таҳлил натижаларига кўра республикада коронавирус инфекциясининг тарқалганлик даражаси 0,5 ни (ЖССТ экспертлари хулосасига кўра бу кўрсаткич 1,0 гача бўлса вазият барқарорлигини англатади) ташкил этмоқда, бу ўз навбатида коронавирус инфекцияси бўйича республикада барқарор эпидемик вазият кузатилаётганлигидан далолат беради [2, 5].

ЖССТ маълумотига кўра грипп ва ўткир респиратор инфекциялар 2022-2023й.й. мавсумида дунёнинг айрим давлатларида грипп, бошқа ўткир респиратор инфекциялар айниқса респиратор-синцитиал вируси устунлик қилаётганлиги маълум қилинган [5, 6].

Тадқиқот мақсади. Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 пандемияси даврида грипп ва ўткир респиратор инфекциялар 2022-2023й.й. мавсумида аҳоли ўртасида грипп, ўткир респиратор инфекция, ўткир зотилжам, оғир ўткир респиратор инфекциялар ҳамда коронавирус COVID-19 инфекцияси ҳолатлари юзасидан эпидемиологик мониторинг ўрнатиш, таҳлил натижаларига кўра кўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш ва коронавирус COVID-19 инфекцияси бўйича эпидемик вазиятни башорат қилиш.

Материаллар ва услублар.

Аналитик маълумотларни марказлаштирилган ҳолда маъмурий ҳудудлардан олиш умумлаштириш, эпидемиологик таҳлил ўтказиш ва синтез этиш;

ЖССТнинг (https://www.worldometers.info/coronavirus) статистик маълумотларини таҳлил этиб бориш;

GISAID маълумотларини доимий равишда ўрганиб бориш ва республикада коронавирус COVID-19 касаллигига чалинган беморларнинг намуналарини секвенирлашдан ўтказилишини таҳлил этиб бориш;

Республикада грипп, ўткир респиратор инфекция ҳамда коронавирус COVID-19 инфекцияси лаборатория усулида текширув натижаларини таҳлил этиш;

Аҳолини коронавирус инфекциясига қарши эмланишини таҳлил этиш ва эмлаш тадбирнатижаларини касалланиш кўрсаткичидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш;

Эпидемиологик таҳлил натижаларига кўра чора-тадбирларни белгилаб бориш.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистон Республикасида ЎРИ тарқалиши юзасидан вужудга келган вазият бўйича республикадаги (2022 йил ноябрь, октябрь ва 2023 йил январь ойининг ўтган даврида) грипп, ўткир респиратор инфекциялар, ўткир зотилжам ва оғир ўткир респиратор ҳамда коронавирус COVID-19 инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари ўрганилди.

Ўрганишлар Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ва Республика «1-сон Зангиота» махсус шифохонасида ўтказилди.

Ўрганиш натижаларига кўра республикада ҳам айрим Европа давлатлари қаторида грипп, ўткир респиратор инфекциялар устунлик қилаётганлиги ва касалланган сони 1,5 маротабага ошганлиги аниқланди.

Республикада грипп ва ўткир респиратор инфекциялар лаборатория ташхисоти полимераза занжирли реакция (ПЗР) усулида амалга оширилади.

Грипп ва ўткир респиратор инфекциялар 2022-2023 йиллар эпидемик мавсуми даврида (3 октябрдан – 27 январгача) вирусология лабораториялари томонидан грипп ва ЎРИ белгилари бўлган 2178 нафар фуқаро текширилган ва улардан 839 нафарида (38,5%) мусбат натижа аниқланган. Уларда грипп вирусининг 2 типи: Грипп А типи (35,1%) ва грипп В типи (64,9%) тасдиқланган.

Ўткир респиратор инфекциялар лаборатория текширув натижаларига кўра риновирус (34,2%), респиратор-синцитиал вирус (19,8%) аниқланган.

Ушбу мавсумда Европа давлатларинг айримларида ва Россия Федерациясида респиратор-синцитиал вирус устунлик қилаётган бўлса, Узбекистонда эса акси ўткир респиратор инфекциялардан риновирус устунлик килаётганлиги аниқланди.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, барқарор эпидемик вазиятни таъминлаш ва коронавирус инфекциясининг тарқалишининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар айникса аҳолини коронавирус инфекциясига қарши эмлаш ишларини юқори савияда ўтказилиши натижасида (эмлаш камрови 83%) 2022 йилда республикада коронавирус COVID-19 инфекцияси бўйича барқарор эпидемик вазият кузатилишига эришилди.

Олиб борилаётган эпидемиологик мониторинг натижаларига кўра 2023 йил январь ойининг ўтган даврида, 2022 йилнинг шу даврига нисбатан коронавирус COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморлар сони кескин камайганлиги кузатилди, кунига республика бўйича 15-20 ҳолатда коронавирус инфекцияси рўйхатга олинаётганлиги маълум бўлди.

Коронавирус COVID-19 инфекцияси деярли Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида рўйхатга олинаётганлиги, бошқа вилоятларда вақти-вақти билан 1-2 ҳолатда қайд этилаётганлиги аниқланган.

Республика бўйича грипп, бошқа ўткир респиратор инфекциялар ва ўткир зотилжам касалликлари, оғир ўткир респиратор инфекциялар билан касалланиш ҳолатлари бўйича ўтказилган эпидемиологик таҳлил натижаларига кўра уларнинг салмоғи мавсумда 95 фоизни, коронавирус COVID-19 инфекцияси эса 5 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

Ўрганишлар ўтказилган, республиканинг қуйидаги маъмурий ҳудудларида ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида эпидемиологик таҳлил натижаларига кўра грипп, бошқа ўткир респиратор инфекциялар ва ўткир зотилжам касалликлари ўртача 90-95 фоизни, коронавирус COVID-19 инфекцияси эса 5-10 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

Республика «1-сон Зангиота» махсус шифохонасида ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра ушбу шифохонага ётқизилган беморларнинг 70 фоизида ўткир респиратор касалликлар (грипп, ўткир респиратор инфекциялар, ўткир зотилжам ва оғир ўткир респиратор инфекция) ташхиси билан, 30 фоизи эса коронавирус COVID-19 инфекцияси ташхиси билан даволанганлиги аниқланди.

Ёшма-ёш таҳлил натижаларига кўра жами рўйхатга олинган грипп, ўткир респиратор инфекциялар, ўткир зотилжам ва оғир ўткир респиратор инфекцияси ташхиси билан ётқизилган беморларнинг 96 фоизи 14 ёшгача бўлган болаларга, 4 фоизи 15 ёш ва ундан катталарга тўғри келган.

Коронавирус COVID-19 инфекцияси ташхиси билан ётқизилган беморларнинг 95 фоизи 14 ёшгача бўлган болаларга, 5 фоизи 15 ёш ва ундан катталарга тўғри келганлиги аниқланган.

Натажада республикада коронавирус COVID-19 пандемияси даврида грипп ва ўткир респиратор инфекциялар 2022-2023 й.й. мавсумида ўткир респиратор касалликлар билан касалланганлар (грипп, ўткир респиратор инфекция, ўткир зотилжам, оғир ўткир респиратор инфекциялар) салмоғи 95 фоизни, коронавирус COVID-19 инфекцияси салмоғи эса 5 фоизни ташқил этганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, аҳоли саломатлигини сақлаш, барқарор эпидемик вазиятни таъминлаш ва коронавирус инфекциясининг тарқалишининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар айникса аҳолини коронавирус инфекциясига қарши эмлаш ишларини юқори савияда ўтказилиши натижасида (эмлаш камрови 83%) ҳамда республика аҳолисини деярли 50 фоизи ушбу касаллик билан касалланганлиги ва касалланмасдан инфекция билан зарарланиши натижасида, аҳоли ўртасида табиий ва суний иммунитет хосил бўлган.

Хулоса: Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда республикада 2023 йилда коронавирус COVID-19 инфекцияси бўйича барқарор эпидемик вазият кузатилишига эришилади. Касаллик саноқли сонларда кузатилади, худди бошқа инфекциялар каби батамом йўқ бўлмайди, юқумли касалликлар қаторида тарихда қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рекомендации по стратегии в связи с коронавирусом тяжелого острого респираторного синдрома-2 (SARS-CoV-2) и другими респираторными вирусами в Европейском регионе ВОЗ в осенне-зимний период 2022/23 г.г. (хужжат рақами - WHO/EURO:2022-5851-45616-65595).
2. https://www.worldometers.info/coronavirus/
3. https://gisaid.org/hcov19-variants/
4. https://tokpb.ru/main/informatsionnyy-byulleten-vsemirnoy-organizatsii-zdravookhraneniya-po-grippu/
5. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг грипп бўйича хафталик информацион бюллетлари.

Китайбеков Султанбек,
Санитария, гигиена ва касб касалликлар илмий-тадқиқот институти докторанти,
Музаффаров Музаффар,
Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти докторанти,
Худайберганов Анатолий,
Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти овқатланиш гигиенаси лаборатория мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎРТАЧА КУНЛИК ҚУВВАТ ЭХТИЁЖИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация. Тадқиқотнинг мақсади қиш-баҳор мавсумида экологик жиҳатдан ноқулай шароитларда Қорақалпоғистон ресупбликасида қишлоқ хўжалиги ишчи ва хизматчиларининг қувватга бўлган кунлик эхтиёжини баҳолаш. Тадқиқотлар натижасида қишлоқ аҳолиси фаолиятининг хронометрлари уй хўжаликлари учун ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини кўрсатди.

Калит сўзлар: Қишлоқ хўжалиги ходимлари, қувват сарфланиши, қиш-баҳор мавсуми.

Аннотация. Целью исследования является оценка среднесуточной потребности в энергии рабочих и служащих сельского хозяйства Республики Каракалпакстан в зимнее весеннем периоде.В результате исследования хронометража деятельности сельских жителей выявлены наличия специфических особенностей.

Ключевые слова: сельские жители, энергетическая потребность населения, зимнее-весений сезон

Annotation. The aim of the study is to assess the daily output of agricultural workers and servants in the Karagolpagistan resupply under environmentally unfavorable conditions in the winter-spring season.As a result of research, chronometers of the activities of rural residents showed the presence of specific features for households.

Keywords: rural residents, energy demand of the population, winter-spring season

Кириш. Бугунги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг фаол ва муваффақиятли ривожланаётган тармоқларидан бири бўлиб, бу соҳа ҳар қандай давлат учун нафақат иктисодий ўта фойдали, балки ишлаб чиқариш захираларини деярли тўлиқ таъминлайди, шунингдек, маҳсулотни мамлакат ташқарисига сотиш имконини беради. Шу муносабат биланЎзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда «Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Карорида 464 минг гектар янги ва муомаладан чиқарилган ерларни ўзлаштириш белгиланган. Ерларни қишлоқ хўжалиги кластерларига ажратиш орқали илғор фан ютуқлари ва инновациялар асосида қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

Агросаноаткорхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар ошириш кўзда тутилган [1]. Энг ривожланган саноат мамлакатлари маҳаллий қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга жуда катта маблағлар киритмоқда. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги ходимлари саломатлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда [2,3]. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги ходимларинингсоғлиғи бевосита уларнинг меҳнати, овқатланиши ва турмуш шароитига боғлиқ. Организмнинг қувват ва асосий озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжларини ишлаб чиқишда асосий мезон кун давомида инсоннинг ҳақиқий э қувват сарфланиши ҳисобланади. Инсоннинг кунлик қувват сарфларини ҳисоблаш учун кун давомида барча босқичлар ва тадбирларнинг энергия қиймати(энергия эквивалентлари) тўғрисидаги маълумотлар керак бўлади. Шу билан бирга, Қорақалпоғистоннинг экологик жиҳатдан ноқулай шароитларида ахолининг қувват сарфланишларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг мақсади. Қиш-баҳор мавсумида экологик жиҳатдан ноқулай шароитларда қишлоқ хўжалиги ишчиларининг қувват сарфланишларини баҳолаш. Тадқиқот объектлари Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг эркак ва аёл ходимлари танлаб олинган.

Тадқиқот усуллари. Ўртача кунлик қувват сарфланиши 24 соатлик вақтни ҳисобга олган ҳолда,

1-жадвал.

Қорақалпоғистон қишлоқ ахолиси эркак ва аёл ишчи ва хизматчилари фаолиятининг айрим турларининг қувват сарфлари, қиш-баҳор мавсуми, М±м

Фаолиятлар	Давомийлиги соатларда		КЭА бўйича қувват сарфланиши (Ккал.соат)		Ҳар бир фаолият учун қувват сарфи (Ккал)	
	А	Б	А	Б	А	Б
Эрталабки машғулот (чорва ва паррандаларни парваришлаш)	0,6 ±0,2	1,25 ±0,3	121,5 ±4,0	121,5 ±3,5	72,9 ±3,0	151,8 ±4,0
Эрталабги ҳожатхона	0,5 ±0,1	0,66 ±0,2	82,0 ±3,3	82,0 ±3,0	41,0 ±1	54,1 ±2,0
Уйни йиғиштириш		0,5 ±0,1		117,2 ±4,0		58,6 ±2,0
Нонушта тайёрлаш		0,66 ±0,2		117,2 ±4,0		77,2 ±3,0
Нонушта	0,66 ±0,2	0,83 ±0,2	99,6 ±3,6	99,6 ±3,0	49,8 ±2	82,6 ±3,0
Болаларни овқатлантириш		1,0 ±0,2		99,6 ±3,6		99,6 ±3,6
Идишларни ювиш		0,25 ±0,1		132,5 ±4,0		33,1 ±1,0
Кийиниш	0,25 ±0,1	0,33 ±0,1	88,8 ±3,0	88,8 ±3,6	22.2 ±2	29,3 ±3,0
Ишга пиёда бориш	0,66 ±0,2	0,66 ±0,2	200,0 ±7,0	200,0 ±8,0	132,0 ±4	132,0 ±6,0
Ишга тайёргарлик	0,25 ±0,1	0,25 ±0,1	110,0 ±5,0	110,0 ±6,0	27,5 ±3	27.5 ±4.0
Касб: сув ариқларини қазиш ва тозалаш	3,0 ±0,3		152,7 ±6,0		458.1 ±16	
Қишки суғориш майдонлари	3,0 ±0,2		84,6 ±3,0		253.8	
Тракторда ишлаш	6,0 ±0,7	2,0 ±0,4	99,9 ±4,0	99,9 ±4,0	599,0 ±4,0	199,8 ±2,0
Болалар билан шуғулланиш		2,0 ±0,2		99,5 ±3,6		199,0±2,2
овқатланиш	0,5 ±0,1	0,5 ±0,1	30,0 ±2,0	30,0 ±2,4	15,0 ±4,0	15,0 ±4,6
чорва ва паррандаларни парваришлаш		1,25 ±0,3		121,5 ±3,5		151,8 ±4,0
Дам олиш (суҳбатлар)	0,5 ±0,1	0,5 ±0,1	42,0 ±3,0	42,0 ±3,3	21,0 ±3,0	21,0 ±3,2
Душ қабул қилиш	0,66 ±0,2	1,0 ±0,2	195,0 ±6,0	195,0 ±6,6	128,7 ±6,4	195,0 ±6,8
Уйга қайтиш пиёда	0,66 ±0,2	0,66 ±0,2	200,0 ±3,0	200,0 ±3,4	132,0 ±4,0	132,0 ±5,6
Дам олиш	1,0 ±0,2	0,5 ±0,2	120,0 ±3,2	120,0 ±3,6	120,0 ±3,2	73,0 ±2,6
Кечки овқат тайёрлаш		1,00 ±0,2		117,2 ±4,0		117,2 ±3,0
Теле кўрсатувларни кўриш	1,0 ±0,3	0,5 ±0,1	30,0 ±2,0	30,0 ±2,0	30,0 ±2,0	15,0 ±1,2
Кечки ҳожатхона	0,7 ±0,1	0,7 ±0,2	82,0 ±3,0	82,0 ±3,0	57,4 ±2,0	57.4 ±2.6
Кечки уйқу	7,0 ±0,5	7,0 ±0,6	25,0 ±3,0	25.0	175,0 ±6	175,0 ±8
ААҚ					1677,0 ±22	1595,6 ±28
СДДП					167,7 ±2,2	159,5 ±2,8
Жами	24	24			4180,1±32	3851,5±28

барча турдаги фаолият учун ажратилган ҳақиқий вақтни ҳисобга олган ҳолда аниқланди, ААҚ (асосий модда алмашинув қийматлари) – умумий қабул қилинган Харрис-Бенедикт жадваллари ёрдамида бўйи ва вазн маълумотлари билан аниқланди. Фаолият турлари бўйича қувват коэффициентлари Дуглас-Холден услубида аниқланган [2].

Тадқиқот натижалари ва муҳокамалари. Ишчи ва хизматчилар учун кунлик қувват сарфларининг асосий белгиловчи қиймати муайян фаолият тур-

ларининг вақт ва сифат хусусиятлари ҳисобланади. Шу муносабат билан, кун давомида вақтни ҳисоблаш ва ишчи-хизматчиларнинг турли хил фаолият турлари учун қабул қилинган энергия эквивалентларининг қийматларини тўлиқ таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилади. Кузатиш, сўровнома ва жисмоний фаоллик коеффитсиентларини (КЭА) аниқлаш орқали кунлик вақт ҳисобини таҳлил қилиш қиш-баҳор мавсумида қишлоқ хўжалигида ишлайдиган ишчи ва хизматчиларнинг кунлик қувват сарфланишини аниқлаш имконини берди (1-жадвал).

Тадқиқотлар натижасида қишлоқ аҳолиси фаолиятининг хронометражлари уй хўжаликларида ўзига хос умумий шакллар билан бир қаторда, муайян касбий фаолият билан боғлиқ фарқларга эга.

Бундан ташқари, оилада меҳнат тақсимоти туфайли қишлоқ аҳолиси ўртасида эркаклар ва аёллар фаолиятининг вақтлари ҳам кескин фарқ қилиши аниқланди. Қиш-баҳор фаслида эркаклар ўртасида кунига 4180,1±32Ккал, аёлларда 3851,5±28 Ккалга эгалиги аниқланди.

Хулоса:

1. Қишлоқ хўжалиги ишчи ва хизматчиларининг кунлик қувват сарфланишининг асосий белгиловчиси уларнинг кун давомидаги фаолиятинингўзига хослиги ҳисобланади.

2. Қишлоқ шароитида оилада меҳнат тақсимоти туфайли эркаклар ва аёллар фаолиятининг турлари ва вақтлари ҳам кескин фарқ қилиши аниқланди.

3. Қиш-баҳор фаслида эркаклар ўртасида кунига 4180,1±32Ккал, аёлларда 3851,5±28 Ккалга эгалиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон фармони «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» www.gov.uz
2. Доклад о состоянии здравоохранения в мире 2002 : Уменьшение риска, содействие здоровому образу жизни. Женева. Всемирная организация здравоохранения, 2002. - 28 с.
3. Рацион, питание и предупреждение хронических заболеваний. Доклад Совместного консультативного совещания экспертов ВОЗ/ФАО (http://whqlibdoc.who.int/trs /WHO_TRS_916_rus.pdf). Женева, Всемирная организация здравоохранения, 2003 г.
4. Методические рекомендации по оценке количества потребляемой пищи методом 24-часового (суточного) воспроизведения питания: Метод. рекомендации / Науч.-исслед. ин-т питания Рос. Акад. мед. наук.; Сост. А.Н. Мартинчик, А.К. Батурин, А.И. Феоктистова, И.В. Свяховская. — М., 1996.

Қурбонбеков Ф.Б.,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси
Неъматов А.С.,
Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази,
Қосимов О.Ш.
Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази,

КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИ ЎЧОҒИНИ ЭПИЗООТОЛОГИК ВА ЭПИДЕМИОЛОГИК ТЕКШИРИШНИНГ АЛГОРИТМИ

Аннотация. Куйдирги касаллиги ўчоғини эпизоотологик ва эпидемиологик текширишда эпизоотологик, эпидемиологик, клиник, лаборатория ва ахборот мезонларидан фойдаланиш инфекция ўчоғини чегаралаш ва бартараф этиш имконини беради.

Калит сўзлар: куйдирги, нохуш стационар пункт, башорат, алгоритм, эпидемиологик текшириш.

Annotation. The use of clinical, epizootological, epidemiological, clinical, laboratory and information criteria in the epidemiological investigation of an anthrax focus will make it possible to localize and eliminate the focus of anthrax infection.

Key words: *anthrax, unpleasant stationary point, prediction, algorithm, epidemiological investigation*

Аннотация. Использование эпизоотологических, эпидемиологических, клинических, лабораторных и информационных критериев при эпидемиологическом расследовании очага сибирской язвы даст возможность локализовать и ликвидировать очаги инфекции.

Ключевые слова*: сибирская язва, неприятная стационарная точка, прогноз, алгоритм, эпидемиологическое расследование.*

Куйдирги – ўткир юқумли зооноз касаллик бўлиб, оғир интоксикация, иситма, септицемия, терида ўзига хос бўлган яранинг пайдо бўлиши ва айрим ҳолатларда ичак ва ўпка шаклларида намоён бўлади. Куйдирги ўта хавфли юқумли касалликлар гуруҳига кириб, ушбу касаллик билан барча турдаги қишлоқ хўжалик, ёввойи ҳайвонлар ва одамлар касалланади [1].

Куйдирги касаллигини одамлар ва ҳайвонлар ўртасида ҳамда касалликни юқтириб олиш хавфи юқори бўлган ҳудудларда (ҳайвонлар сўйиладиган махсус ташкиллаштирилган жойлар, мол бозорлари, тери, жун, суяк унини қайта ишлаш корхоналари) ва куйдирги бўйича нохуш бўлган ҳудудларда касалликни тарқалишини олдини олиш мақсадида Санитария ва эпидемияга қарши (профилактик) чора-тадбирлар ўтказилади [2, 3].

Куйдирги касаллигининг эпизоотологик ва эпидемиологик табиий ўчоқларининг йилдан-йилга фаоллашиб бориши ҳайвонлар ва одамларнинг куйдирги билан касалланиш хавфини оширмоқда. Бу эса, ўз навбатида, куйдирги касаллигининг эпизоотологик ва эпидемиологик мониторингини, шунингдек, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган сезгир лаборатория усулларининг таҳлиллари асосида касалликнинг ташҳисоти ва профилактикасини такомиллаштириш зарурлигини, ҳамда куйдиргининг мавжуд бўлган табиий ўчоқлари устидан эпизоотологик ва эпидемиологик назоратни кучайтиришни тақозо қилади[5].

Ҳудуднинг эпизоотологик тавсифи куйдирги касаллиги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган эпидемиологик асоратни башоратлаш асосини ташкил этади ва фаол ўчоқларни, касалликни юқиш хавфи бўлган қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари турини аниқлаш имконини беради.

Куйдирги касаллигида эпизоотологик ва эпидемиологик вазиятни тўлиқ таҳлил қилиш ҳамда вазиятни башорат қилиш учун ушбу инфекциянинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи турли маълумотлар зарур бўлади [6].

Куйдирги инфекцияси билан касалланиш спорадик ҳолатларда қайд этилиб, айрим ҳолларда эпизоотия ва эпидемия кўринишида учрайди. Бунга боғлиқ ҳолда муайян ҳудудда куйдирги касаллигига объектив баҳо бериш учун ушбу касалликга қарши чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, бунинг асосида эпидемиологик текшириш алгоритмини ишлаб чиқиш заруриятн туғилди.

Тадқиқотнинг мақсади ҳудудларда куйдиргининг ўчоқларини эпизоотологик ва эпидемиологик текшириш алгоритмини ишлаб чиқишдан иборат.

Материаллар ва услублар. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмиталари ва уларнинг ҳудудий бошқармаларининг куйдирги касаллиги бўйича эпизоотологик ҳамда эпидемиологик маълумотлари, Ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияларининг ҳисоботлари, стационар беморнинг тиббий карталари, эпидемиологик ва амбулатор карталари ретроспектив эпидемиологик ва статистик усулларда таҳлил этилди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Куйдирги ўчоғини эпизоотологик ва эпидемиологик текширишнинг асосий мақсади, ушбу касалликнинг ўчоғини чегаралаш ва бартараф этишдир, бунинг учун бир қанча мезонлардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Аннотация. Тайёр маҳсулотнинг функционал ва технологик хусусиятларининг ўзгаришига ўсимлик компоненти ва озиқ-овқат қўшимчаларининг таъсир даражасини ўрганиш натижалари таҳлил қилинди. Керакли кимёвий таркиби ва хусусиятларига эга бўлган хом ашёни танлашда фаол йод ўз ичига олган компонентлар ва органик йод бирикмаларини ўз ичига олган озиқ-овқат қўшимчаларига алоҳида эътибор берилди. Гўшт маҳсулотларининг асоси сифатида биологик тўлиқ хом ашё манбаи – 1 ва 2 тоифадаги мол гўшти ишлатилган, бу ерда йод миқдори ўртача 7-16 микрограм / 100 г маҳсулотнинг истеъмол қилинадиган қисмидир. Йод билан бойитилган янги турдаги гўштли колбаса, колбаса формулалари таркибий қисмларининг оптималl таркибини танлаш учун рецептларнинг 3 та варианти ўрганилди. Формулалар таркибини танлашда компонентдаги йод миқдори ҳам ҳисобга олинди, бу йод таркибидаги таркибий қисмларнинг формулаларга киритилишига олиб келади – денгиз ўтлари (220 мг /100г), озиқ-овқат қўшимчалари - сув утлари (160-800 мг / 100г) ва йод фаол (20 мг/100г)- йод танқислиги билан фаол сўрилган органик бирикмалар. Шундай қилиб, колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ушбу турдаги хом ашёдан фойдаланиш оммавий истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини йод билан бойитади ва йод танқислигини бартараф этиш муаммосини қисман ҳал қилади.

Калит сўзлар: йод танқислиги, йод ўз ичига олган озиқ-овқат маҳсулотлари, гўштни қайта ишлаш саноати.

Abstract. The analysis of the results of the study of the degree of influence of the plant component and food additives on the change in the functional and technological characteristics of the finished product is carried out. When selecting raw materials with the required specified chemical composition and properties, special attention is paid to active iodine-containing components and food additives containing organic iodine compounds. As the basis of meat products, a source of biologically complete raw materials was used – beef meat of the 1st and 2nd categories, where the iodine content on average is about 7-16 micrograms / 100 g of the edible part of the product. In order to select the optimal composition of the components of the formulations of new types of meat sausages, sausages enriched with iodine, 3 variants of recipes were studied. When choosing the composition of the formulations, the iodine content in the component was also taken into account, which causes the introduction of iodine–containing components into the formulations – seaweed (220 mg/100g), food additives – Laminare algae (160-800 mg/100g) and iodine active (20 mg/100g) - organ

Keywords: Iodine deficiency, Iodine-containing food products, meat processing industry.

Аннотация. Проведен анализ результатов исследования степени влияния растительного компонента и пищевых добавок на изменение функционально-технологических характеристик готового продукта. При подборе сырья с необходимым заданным химическим составом и свойствами особое внимание уделено активным йодсодержащим компонентам и пищевым добавкам, содержащим органические соединения йода. В качестве основы мясных изделий

использовали источник биологически полноценного сырья – мясо говядины 1 и 2 категории, где содержание йода в среднем составляет около 7-16 мкг/100 г съедобной части продукта. С целью подбора оптимального состава компонентов рецептур новых видов мясных колбасных изделий, сарделек, обогащенных йодом, исследовано 3 варианта рецептур. При выборе состава рецептур также учитывалось содержание йода в компоненте, что обуславливает введение в рецептуры йодсодержащих компонентов – морской капусты (220 мг/100г), пищевых добавок – водоросли ламинарии (160–800 мг/100 г) и йод актива (20 мг/100г) – органических соединений, активно усваивающихся при дефиците йода. Таким образом, использование данного вида сырья при производстве колбасных изделий позволит обогатить продукты питания массового потребления йодом и частично решить вопрос ликвидации йодной недостаточности.

Ключевые слова: дефицит йода, йодсодержащие пищевые продукты, мясоперерабатывающая промышленность.

Полноценное питание составляет основу жизнедеятельности человека и является одним из важнейших факторов, способствующих снижению риска развития алиментарно-зависимой патологии, обеспечивающих активное долголетие, участвующих в формировании и реализации адаптационного потенциала организма.

Значительная роль в новейшей пищевой технологии продуктов питания относится к разработке и созданию продуктов питания функциональной направленности, которые считаются, как правило, не только источниками, производящие энергетические и пластические материалы для организма человека, но еще и воздействующие на работу и функции отдельных органов или же всего организма в целом.

В последнее время широкое распространение получили продукты питания, обогащенные различными йодсодержащими ингредиентами: ламинарией, йодированной солью, но, несмотря на большую практическую работу, проблема йод дефицита все еще не решена. Необходимо найти новые пути решения этой проблемы, одним из которых может стать создание продуктов, обогащенных йодом за счет новых нетрадиционных добавок природного происхождения. Для производства продуктов с низким природным содержанием йода должны быть предложены новые растительные ингредиенты в качестве йодсодержащих добавок.

В последние годы были достигнуты серьезные глобальные успехи в устранении дефицита йода в питании. По данным Оценочной карты (Score Card) в 134 из 196 стран – членов Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) в 2020 г. был зафиксирован адекватный йодный статус, в 28 имелся разной степени выраженности йодный дефицит, а в 14 странах – избыточное потребление йода [1]. Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) рассматривает йодную недостаточность как глобальную медико-социальную и демографическую проблему, поскольку риску развития йододефицитных заболеваний (ЙДЗ) подвержено все население эндемичных территорий. По данным ВОЗ, около 2 млрд жителей планеты живут в условиях йодного дефицита, 655 миллионов человек в мире имеют эндемический зоб, 43 миллиона — нарушения функции мозга и умственную отсталость вследствие йодного дефицита [2]. Однако, несмотря на многолетнюю борьбу с йодной недостаточностью, проблема йодного дефицита все еще не решена во многих странах мира, включая Узбекистан. Дефицит йода и связанные с ним заболевания приобрели острую социальную значимость, а борьба с йод дефицитом стала одной из приоритетных задач здравоохранения Республики Узбекистан. Большая часть регионов Узбекистана обеднена йодом. Йод дефицитные состояния (ЙДС) относятся к наиболее распространенным неинфекционным заболеваниям человека [3]. В зоне риска (по причине йод дефицита) проживает не менее полутора миллиардов населения Земли. По самым скромным оценкам, недостаточное употребление йода создает угрозу здоровью 15 миллионам жителей Узбекистана. Суточная потребность в йоде здорового человека составляет минимум 50 мкг, детей грудного возраста — 90 мкг, детей младшего возраста — 120–150 мкг, а беременным и кормящим женщинам требуется 200 мкг в день [3].

Мировые тенденции в области питания связаны с созданием ассортимента продуктов лечебно-профилактической направленности, способствующих улучшению здоровья при ежедневном их употреблении в составе рациона.

Последствия йодного дефицита зависят от возраста, в котором организм испытывал его недостаток. Наиболее тяжелые последствия дефицита йода возникают на ранних этапах развития организма, начиная с внутриутробного и завершая периодом полового созревания. Во время беременности организм матери является единственным источником йода для плода. Йод легко проникает через плаценту и используется для синтеза тиреоидных гормонов. [4,5].

В настоящее время 40,2% населения Узбекистана (почти 12,7 миллиона человек – УзТАГ) страдают йод дефицитом. По статистическим данным Министерства здравоохранения Республики Узбекистан возросло число заболеваний эндокринной системы, в т.ч. йод дефицитных. Так, зобная эндемия наиболее распространена на юге и востоке Узбекистана. Распространенность зобной эндемии по республике в среднем составляет 78%. В последнее десятилетие это привело к значительному увеличению распространенности зоба, степени тяжести зобной эндемии и появлению новых специфических характеристик в течении болезни [3].

Проблема йод дефицитных заболеваний ставит жизненно важную задачу - поиск средств оздоровления населения страны. Одним из путей решения этой проблемы является разработка новых видов мясных продуктов, обогащенных йодом, т.к. такие виды продуктов для профилактики и лечения йодного дефицита населения отсутствуют.

Одно из перспективных направлений в мясной промышленности – создание новых продуктов на основе применения широкого спектра пищевых добавок, без которых немыслимо современное производство. В нынешних условиях роль пищевых добавок достаточно высока, с их помощью можно добиться более глубокой переработки сельскохозяйственного сырья, повысить пищевую ценность, усовершенствовать технологический процесс, снизить издержки производства, оптимизировать стоимость продукции.

В этом направлении, учитывая высокий процент микронутриентных дефицитов у различных групп населения республики Узбекистан, широкую распространенность йод дефицита, целесообразным и необходимым представляются разработка и промышленный выпуск для массового потребления продуктов на мясной основе, обогащенных йодом. При составлении рецептур комбинированного мясного продукта руководствовались рекомендациями разработанные нами, согласно которым соотношение белка и жира в готовых продуктах считается идеальным (1:0,8:0,1). При оптимизации аминокислотного состава учитывали степень приближения содержания незаменимых аминокислот проектируемого продукта к справочной шкале ФАО/ВОЗ, при оптимизации жирнокислотного состава (при фиксированных значениях белоксодержащих компонентов) степень приближения к физико-химическому необходимому соотношению между жирными кислотами: насыщенными, мононенасыщенными и полиненасыщенными (3:6:1).

Ввиду того, что по современным требованиям продукт должен обладать низкой энергетической ценностью, то соотношение белка и жира варьировали в сторону увеличения белка, т.е. основная задача оптимизации сводилась к максимальному содержанию белка в рецептурной смеси.

Для ликвидации йодной недостаточности прежде всего необходимы источники органического йода продуктов, так как известно, что применение органических источников йода имеет ряд преимуществ:

биологический йод утилизируется в организме значительно легче;

органические соединения йода нормализуют функции щитовидной железы биологические соединения йода, содержащиеся в лечебно-профилактических продуктах, могут депонироваться в организме без передозировки, что особенно важно для детей. В то время как передозировка неорганических йодистых соединений вызывает йодизм (побочный эффект в виде аллергического насморка, сыпи и т.п.) [5].

Таким образом, в этом направлении наиболее возможным решением проблемы предупреждения йод дефицитных состояний и связанных с ним заболеваний может являться развитие биотехнологии производства диетических мясных продуктов, обогащенных пищевыми добавками, содержащими органические соединения йода [6].

Проведен анализ результатов исследования степени влияния растительного компонента и пищевых добавок на изменение функционально-технологических характеристик готового продукта. При подборе сырья с необходимым заданным химическим составом и свойствами особое внимание уделено активным йодсодержащим компонентам и пищевым добавкам, содержащим органические соединения йода. В качестве основы мясных изделий использовали источник биологически полноценного сырья – мясо говядины 1 и 2 категории, где содержание йода в среднем составляет около 7-16 мкг/100 г съедобной части продукта.

Исключительно высоко содержание йода в натуральном йодсодержащем компоненте морской капусте (220 мг/100 г), минеральный состав который способствует максимальному усвоению йода. Учитывая, что хранение и кулинарная обработка пищевых продуктов ведут к значительным потерям (до 65%) йода, то в качестве ингредиента, придающего пищевым продуктам диетическую направленность, использовали пищевые добавки ламинарии и йод актива. Особенность водорослей ламинарии (160-800 мг/100 г) заключается в способности концентрировать в своих клетках значительное количество йода, который аккумулируется главным образом в органической форме. Йод, попадая в живую клетку, в результате ферментативных процессов переходит из минеральной формы в органическую, которая необходима как терапевтическое средство при заболеваниях, связанных с недостатком йода в организме человека. Источником йода для профилактики и при любых проявлениях йодной недостаточности является пищевая добавка йодактив, органическое соединение, активно усваивающаяся при дефиците йода, исключающая возможность передозировки и выводящаяся при избытке из организма.

С целью подбора оптимального состава компонентов рецептур новых видов мясных колбасных изделий, сарделек, обогащенных йодом, исследовано 3 варианта рецептур:

Мясо говядины 1 к - 47-42%, мясо говядины 2 с – 42-50%, жир-сырец – 8-11%, морская капуста – 0,05-0,10%.

Мясо говядины 2 к – 85-95%, жир-сырец - 15-5%, пищевая добавка ламинарии (морская водоросль) – 0,23-0,29%.

Таблица 1. Оптимизируемые рецептуры мясных изделий

Показатель	Варианты		
	1	2	3
Массовая доля компонента, % Мясо говядины 2 категории	47-42		47-42
Мясо говядины 2 категории	42-50	85-95	42-50
Жир-сырец	10,95-7,90	14,71-4,71	10,52-7,45
Морская капуста	0,05-0,10		
Пищевая добавка Ламинария	-	0,23-0,29	-
Пищевая добавка йодактив			0,48-0,55
Чеснок	0,1	0,1	0,1
Сахар-песок	0,2	0,2	0,2
Перец черный	0,1	0,1	0,1
Кориандр	0,1	0,1	0,1

Мясо говядины 1 с – 47-42%, мясо говядины 2 с – 42-50%, жир-сырец 11-8%, пищевая добавка йодактива – 0,48-0,55%.

Результаты эксперимента показали, что использование растительного компонента (морская капуста), пищевых добавок ламинарии и йод актива в соотношениях, приведенных в таблице 1, приводит к изменению ряда технологических характеристик фарша по сравнению с контролем. Предлагаемые оптимизированные рецептуры вареных колбасных изделий, идентифицируемые как варианты 1, 2, 3 представлены в таблице 1.

Анализ пищевой и биологической ценности разработанных вареных изделий показывает, что степень удовлетворения формулы сбалансированного питания по большинству показателей в основном соответствует рекомендуемым медико-биологическим требованиям. Это позволило увеличить количество незаменимых аминокислот, обеспечивающих пищевую ценность продуктов. Выбранное соотношение компонентного состава вареных изделий обеспечивает сбалансированность готового продукта по основным незаменимым веществам, т.е. практически соблюдено требуемое соотношение белка и жира (1,0:1,0±0,3). При выборе состава рецептур также учитывалось содержание йода в компоненте, что обуславливает введение в рецептуры йодсодержащих компонентов – морской капусты (220 мг/100г), пищевых добавок – водоросли ламинарии (160–800 мг/100 г) и йод актива (20 мг/100г) – органических соединений, активно усваивающихся при дефиците йода.

Таким образом, использование данного вида сырья при производстве колбасных изделий позволит обогатить продукты питания массового потребления йодом и частично решить вопрос ликвидации йодной недостаточности.

Литература

1. Global Scorecard of iodine nutrition in 2020: optimal iodine intake in 131 countries // IDD Newslett. 2020. Vol. 48, N 2. P. 11–12.

2. Ismailov S.I, Negmatov J.B., Rashitov M.M, Atadjanov M.M., Allayarova G.B., Universal salt iodization program in Uzbekistan: A Cost-benefit analysis. European Applied Sciences 2016; 2: 21-4

3. Исмаилов М.И., Каримова М.М., Абдураззакова Д.С., Рашитов М.М., Кулимбетов М.Т., Юлдашева Ф.З «Результаты эпидемиологических исследований распространенности йододефицитных заболеваний в ферганской области республики Узбекистан». Международный эндокринологический журнал. №1(41) , 2012 стр. 10-13

4. Онищенко Г.Г., Петухов А.И., Свяховская И.В. О дополнительных мерах по профилактике йоддефицитных состояний. - М.: Вопросы питания, 1998. - №

5. Е.А. Трошина. «К вопросу о недостатке и избытке йода в организме человека. клиническая и экспериментальная тиреоидология», 2010, том 6, №4, стр 10-16

6. Б.К. Асенова. Технология производства мясного продукта при йодной недостаточности Вестник Инновационного Евразийского университета, 2011.

7. Рулева Т.А., Сарбатова Н.Ю. Использование сухой ламинарии в производстве мясных полуфабрикатов. «С**овременные аспекты производства и переработки сельскохозяйственной продукции. С**борник статей по материалам III научно-практической конференции студентов, аспирантов и молодых ученых, посвященной 95-летию Кубанского государственного аграрного университета», 2017, Стр.67-72.

Аминжон Неъматов,
ЎзР ССВ ТХКМР Маркази,
т.ф.д., профессор,
Абдусамат Мустанов,
Сурхондарё вилояти СЭО ва ЖСБ, т.ф.д,
Неъматилла Комилов,
"Davr Fayz Medical" МЧЖ, т.ф.н.

ҚРИМ КОНГО ГЕМОРРАГИК ИСИТМАСИНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЛОКАЛ КЎРИНИШИ

Аннотатция. Маълумки, Қрим Конго геморрагик иситмаси (ҚКГИ) табиий ўчоқли, ўта хавфли, оғир, ўткир иситма, интоксикация (заҳарланиш) ва геморрагик синдром билан кечувчи, ҳалокатли асоратларга олиб келувчи ҳамда ўлим даражаси юқори бўлган касалликдир. Ўзбекистон ҳудуди ҳам азалдан ҚКГИ бўйича эндемик ҳисобланишини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу муаммонинг долзарблиги ва эпидемиологик хусусиятлари бўйича кенг билимга эга бўлишимиз зарурлиги яна ҳам яққол сезилади. ҚКГИ касаллиги табиий ўчоқларининг эпидемик жиҳатдан фаоллашуви унинг эпидемиологиясини, профилактикасини янги ижтимоий-иқтисодий шароитни ҳисобга олган ҳолда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганишни тақозо этади.

Калит сўзлар. Қрим Конго геморрагик иситмаси, табиий ўчоқ, юқумли касаллик, эпидемияга қарши профилактик чора тадбирлар.

Annotation. For persons who had contact with patients with CCHF from the first day of contact, the appointment, along with the antiviral drug «Riboverin» and the blood serum of CCHF patients, prevents a severe clinical course of the disease, death, and also reduces the number of patients, that is, it has a high preventive effect.

Keywords. Crimean Congo hemorrhagic fever, natural focus, infectious diseases, anti-epidemic and preventive measures

Аннотатция. Лицам имевший контакт с больними ККГЛ с первого дня контакта назначение наряду с антивирусным препаратом "Рибоверин" и сыворотки крови переболевших ККГЛ предупреждает тяжелое клиническое течение заболевания, летального исхода, а также снижению количество больных, то есть имеет высокий профилактический эффект.

Ключевые слова. Крымская Конго геморрагическая лихорадка, природный очаг, инфекционные болезни, противоэпидемические и профилактические мероприятия.

Кириш. Охирги 20 йилликда ер юзида ҚКГИ бўйича эндемик ҳудудларида касалликнинг табиий ўчоқларининг фаоллашуви кузатилмоқда – Жанубий Африка Республикаси, Омон Султонлиги, Афғонистон ва Покистон, Косово, Мавритания, Россия Федерацияси Жанубий Округи. Жоҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ахборотига кўра 2003 йилнинг февралида Мавританияда ҚКГИ бўйича 30 та ҳолат қайд этилган шундан 6 киши (20%) вафот этган [1, 2, 3, 4]. Юқорида келтирилган маълумотлар кўпгина мамлакатларда ҚКГИ бўйича мураккаб эпидемиологик вазият юзага келганидан далолат беради. Охирги йилларда Ўзбекистон Республдикаси худудида ҚКГИ касаллиги табиий ўчоқларининг фаоллашуви Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қорақолпоғистон Республикасида кузатилган бўлса, 2019 йилда Сурхондарё вилоятиниг Бойсун туманида охирги 50 йилда учрамаган ҚКГИ касаллиги бўйича эпидемиологик нохуш холат қайд этилган.

Маълумки, ҚКГИ нинг табиий ўчоқларида юзага келган эпидемик хуружларда касалликнинг юқори даражада юқувчанлик, ўта оғир кечиши ва ўлим ҳолатларининг кўп бўлиши каби хусусиятлар билан кечади. Адабиётлар таҳлили касаллик одамдан одамга юққанда оғир кечиш ҳолатлари ва ўлим даражасининг юқори кўрсатгичларга эга булишини кўрсатади. Тошкент, Сирдарё вилоятларида ва Қорақолпоғистон Республикасида қайд этилган ҚКГИнинг касалхона ичидаги хуружлари юзага келганида тиббиёт ходимлари орасида касалликни ўзига юқтириб олиб вафот этганлар кузатилган [7].

Ушбу ҳолатлар ҚКГИнинг эпидемиологияси, эпидемияга қарши олиб борилиши лозим бўлган чора тадбирлар ва шошилинч профилактикаси бўйича янада кўпроқ изланишлар олиб бориш лозимлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг мақсади. Юқорида таъкидланганларни инобатга олиб биз ўз олдимизга 2019 йил май ойининг охири июн ойининг бошида Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида ҚКГИ касаллиги бўйича юзага келган эпидемиологик нохуш ҳолатни таҳлил қилишни мақсад қилиб қўдик.

Материаллар ва услублар. Изланишларимиз материали қилиб ҚКГИ билан касалланиб вафот этган бемор ва у билан мулоқотда бўлган 35 нафар инсон, шу жумладан, оила аъзоларидан 8 киши, 12 нафар тиббиёт ходимлари, ҳамда касаллик

аниқланган ўчоқ ва унинг атрофида истиқомат қилувчи 15 нафар аҳоли қон намуналари, моллар ва молхоналардан тўпланган 25 дона каналар олинди.

Тадқиқотларимизни амалга ошириш учун эпидемиологик ва махсус лаборатор таҳлил услубларидан фойдаландик. Махсус лаборатор текширувлар ЎзР ССВ Вирусология илмий текшириш институти ва Қашқадарё вилояти ДСЭНМ ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияларида ИФА услубини қўллаб амалга оширилди.

Тадқиқотларнинг натижалари ва муҳокамаси. Сурхондарё вилояти Бойсун туманида 2019 йилнинг май ойида аҳоли орасида касалликнинг 2 та ўчоғида 6 нафар ҚКГИ касаллигига чалинган бемор қайд этилган. Биринчи касаллик ўчоғида, яъни Бойсун туман Инкобод маҳалласида 5 нафар, иккинчи касаллик ўчоғида яъни Мачай маҳалласида 1 нафар. Беморларнинг 1 нафарида (16,6%) касаллик ўта оғир, геморагик синдром билан кечган ва бемор ушбу касалликдан вафот этган, 3 нафарида (50%) ўртача оғирликда, геморрагик синдром фақат бурун ва томоқ йулларида ҳамда тананинг айрим қисимларида жуда кам миқдорда намоён бўлган ҳолда, 2 нафарида (33,3%) енгил тарзда геморрагик синдромсиз кечган.

Биринчи бемор Х.З. 1995 йилда туғилган, уй бекаси, оиласи тўрт кишидан иборат. 2019 йил 11 май куни умумий ҳолсизлик, иштаҳанинг пасайиши, тана ҳароратининг 37-37,5° га кўтарилиши, бош ва бел соҳасидаги оғриқлардан шикоят қилган. 12 май куни 2-3 маротаба қайт қилган, тиббиёт муассасаларига мурожат қилмаган. Лекин қўшни қишлоқда ёшовчи қариндош ҳамширага мурожаат қилган, ҳамшира тана ҳароратини тушириш мақсадида беморга "парацетамол" таблеткасини ичирган ва 17-ҳафталик ҳомиладорлиги борлиги сабабли беморни туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлимига олиб боришган. Бўлим навбатчи шифокори беморни кўрикдан ва ултра товуш текширувидан ўтказади, бемор енгил шомоллаганлиги шу сабабли ҳомила суви лойқаланганлигини айтиб уч кунлик даво муолажаларини тавсия сифатида ёзиб берган. Бўлимда беморга цефазолин, платифиллин ва спазмаверин дориларидан мушак орасига муолажа қилиб уйига рухсат беришади, лекин беморнинг ахволи яхшиланмайди, 13 май куни беморнинг тана ҳарорати 38-38,5° гача кўтарилган, умумий интоксикация белгилари кучайган. Беморга таниш ҳамшира "наклефенак" дорисини муолажа қилган. Муолажадан сўнг бемор тинчланиб эрталабгача ухлаган. 14 май куни беморни Бойсун туман тибиёт бирлашмасининг геникология бўлимига **"Биринчи туғруқ, 17-ҳафталик ҳомиладорлик, камқонлик оғир даражаси"** ташхиси билан даволаниш учун ётқизилган.

Беморнинг аҳволи кўрсатилган тиббий муолажалар сабабли 16 майгача стабил ҳолатда қолади.

16 майдан 17 майга ўтар кечаси беморнинг бурнидан қон кета бошлаган.17 май куни эрталаб соат 9^{00} да қон кетишини тўхтатиш мақсадида бемор бурни томпонада қилинган. Лекин беморнинг бурнидан қон кетиши тўхтамаганлиги сабабли соат 13^{10} да бурнини қайта томпанада қилинганидан сўнг қон оқиши вақтинча тўхтатилган.

Беморнинг аҳволи тобора оғирлашаганлиги, бурнидан оқаётган қон тўхамаганлиги сабабли соат 17^{00} да бемор туғриқ тизими ренимация бўлимига ўтказилган ва интенсив даво муолажалари бошланган. Ўша кечаси соат 22^{00} да вилоят санавиацияси орқали ЛОР ва гематолог мутахассислари чақирилиб бемор кўрикдан ўтказилган. Беморнинг бурни орқа ва олд тампонада қилиниб оқаётган қон тўхтатилган. Беморда инъекция қилинган жойлари тери остида қонталашлар ва терида тошмалар пайдо бўлган.

Ўз вақтида амалга оширилган самарали даволаш, профилактика муолижалари ҳамда эпидемия ва эпизоотияга қарши профилактик чора тадбирлари натижасида бемор билан мулоқотда бўлиб, касалликни ўзига юқтириб олган 5 нафар беморлар соғайган, мулоқотда бўлганларнинг бошқаларида эса касаллик қайд этилмаслигига эришилган.

Хулосалар.

1. Бойсун туманида ҚКГИ касаллигига чалинган бемор билан мулоқотда бўлган шахсларга биринчи кундан бошлаб "Рибоверин" антивирус препарати билан биргаликда илгари ҚКГИ касаллигига чалиниб соғайган шахсларнинг қон зардоби юборилганлиги, мулоқотда бўлганлар орасида касалликнинг енгил кўринишда қайт этилишига, ўлим ҳолатларининг бўлмаганлигига ва беморлар сонининг кам қайд этилишига сабаб бўлади.



2. Республика бўйича барча ҳудудлар ҚКГИ касаллаги бўйича эндемик ҳудуд ҳисобланадими йўқми, бундан қатъий назар касалликка гумон қилинган ёки касалланган беморларга ва улар билан мулоқотда бўлган шахсларга биринчи кундан бошлаб “Рибоверин” антивирус препаратини схема бўйича бериш ва бирламчи клиник белгилар (ҳолсизлик, тана ҳароратининг кўтарилиши ва ҳакозо) пайдо бўлиши билан профилактика мақсадида уларга илгари ҚКГИ касаллигига чалиниб соғайган шахсларнинг қон зардоби юбориш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Беморларни эрта аниқлаш, ўлим ҳолатларининг олдини олиш мақсадида жойлардаги тиббиёт ва ветеринария ходимлари ҳамда аҳолининг ҚКГИ касаллиги бўйича ҳушёрлигини, саводхонлигини доимо ошириб борилиши жуда муҳим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Цапко Н.В.Роль различных видов иксодовых клещей в качестве переносчиков вируса Крымской-Конго геморрагической лихорадки. В сборнике: Проблемы особо опасных инфекций на Северном Кавказе. материалы региональной научно-практической конференции с международным участием, посвящённой 70-летию со дня основания ФКУЗ Ставропольский противочумный институт Роспотребнадзора. Ставрополь, 2022. С. 137-139.
2. Абуова Г.Н., Полукчи Т.В., Бердалиева Ф.А., Алиев Д.С., Сарыпбекова Л.Л., Кулемин М.В.Генетическое разнообразиевирусов Конго-Крымскойгеморрагической лихорадки, циркулирующих вмире (Литературныйобзор) Вестник Казахского национального медицинского университета. 2021. № 3. С. 323-329.
3. Походенко М.В., Брыкалов С.А., Колмыков С.А., Кравченко И.В. Сравнительный анализ распространения Конго-Крымской геморрагической лихорадки в некоторых регионах Северного Кавказа. В сборнике: Экология и здоровье. Материалы VIII Международной научно-практической конференции студентов и молодых ученых. Волгоград, 2021. С. 267-271.
4. Ясюкевич В.В., Попов И.О. Расширение климатического нозоареала Крымской геморрагической лихорадки на территории России и соседних странах в условиях предполагаемого изменения климата Фундаментальная и прикладная климатология. 2020. Т. 3. С. 120-134.
5. Василенко Н.Ф., Малецкая О.В., Прислегина Д.А., Волынкина А.С., Таран Т.В., Манин Е.А., Куличенко А.Н. Обзор нозокомиальных случаев заражения вирусом Крымской-Конго геморрагической лихорадки. Инфекционные болезни: новости, мнения, обучение. 2019. Т. 8. № 4 (31). С. 39-47.
6. Бутенко А.М., Лещинская Е.В., Д.К.Львов. Крымская геморрагическая лихорадка. //Вестник Российской Академии Естественных Наук. М. 2002. №2. с.1-10.
7. Комилов Н.О., Ходжаев Ш.Х., Кадыров А.М., Шермухамедова Д.А. Клинико-эпидемиологические особенности одной локальной вспышки Крымской-Конго геморрагической лихорадки. // Журнал педиатрия. Т. 2000, №4. С.48-51.
8. Смирнова С.Е. Крымская-Конго геморрагическая лихорадка. М., АТ и СО, 2007. - с. 304.

Норбоев Х.Н., Атабеков Н.С., Анварова Л.У,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УЮШГАН ЖАМОАДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИГА ҚАРШИ ZF-UZ-VAC 2001 ВАКЦИНАСИНИНГ УЧИНЧИ КЛИНИК СИНОВ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА ЭМЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Мақолада уюшган жамоа иккига гуруҳга бўлиниб, 30 кунлик интервал билан ZF-UZ-VAC2001 вакцинасининг 25 мкг дозасини олган асосий гуруҳ (n=7436), вакцина ўрнига изотоник эритма қабул қилган плацебо гуруҳи (n=5209) қиёсий таҳлил этилиб, вакцинанинг биринчи дозасини олгандан кейинги 14-куни, 2-дозани олган куни (30 кун), 2-дозадан кейинги 14-куни (44 кун), 3-дозани олган куни (60 кун), учинчи дозани олганидан кейин 4-ойи (6 ой) ва 10-ойида (12 ой) SARS-COV-2 га қарши IgG нинг миқдорининг (BAU/мл) таҳлили натижалари ҳамда эмлашнинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Калит сўзлар: коронавирус, COVID-19, SARS-COV-2, ZF-UZ-VAC2001 вакцинаси, IgG, плацебо.

В статье описаны результаты третая стадия клиническая испытания узбекско-китайская вакцина ZF-UZ-VAC2001 *и экономическая эффективность вакцинации.*

Ключевые слова: коронавирус, COVID-19, SARS-COV-2, вакцина ZF-UZ-VAC2001, IgG, плацебо.

The article describes the results of the third stage clinical trial of the Uzbek-Chinese vaccine ZF-UZ-VAC2001 and the cost-effectiveness of vaccination.

Key words: coronavirus, COVID-19, SARS-COV-2, ZF-UZ-VAC2001 vaccine, IgG, placebo.

COVID-19 инфекциясида эпидемиологик назоратнинг мақсади одамлар орасида COVID-19 касаллиги вируси тарқалишини камайтириш, ушбу касаллик билан боғлиқ бўлган касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини олдини олишга қаратилгандир [1,3].

Ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, антисептик воситалардан фойдаланиш ва жамоат жойларига боришдан ўзини тийиш кабилар вирус юқиши ёки уни бошқаларга юқтириш эҳтимолини камайтиришда самарали ҳисобланишига қарамасдан, бу чоралар касалликни тарқалишини олдини олиш учун етарли эмас [2].

Вакциналар макроорганизмнинг табиий иммунитети билан биргаликда ҳимоя тизимини яратиб, касаллик юқиши хавфини камайтиради. Вакцина юборилгандан кейин иммунитет тизими бунга жавоб бера бошлайди. Иммунитет тизими танага кирган агентни (вирус ёки бактерияларни) аниқлайди ва унга қарши антитаначаларни (оқсил) ишлаб чиқаради [4,6].

COVID-19га қарши эмлаш пандемияни тўхтатиш имкониятини берадиган муҳим ва долзарб омил ҳисобланади [5,7,8].

Тадқиқотнинг мақсади уюшган жамоада коронавирусга қарши ўзбек-хитой олимлари томонидан яратилган ZF-UZ-VAC 2001 вакцинасининг учинчи босқич клиник синов натижаларини таҳлил этиш ва эмлашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг материаллари ва текшириш усуллари. ZF-UZ-VAC2001 вакцинасини учинчи клиник босқичини ўрганиш учун ZF-UZ-VAC2001 вакцинасини олган асосий гуруҳ (n=7436), вакцина ўрнига изотоник эритма қабул қилган плацебо гуруҳида (n=5209) SARS-COV-2 га қарши IgG нинг миқдори таҳлил этилди.

Вакцинанинг биринчи дозасини олгандан кейинги 14-куни, 2-дозани олган куни (30 кун), 2-дозадан кейинги 14-куни (44 кун), 3-дозани олган куни (60 кун), учинчи дозани олганидан кейин 4-ойи (6 ой) ва 10-ойида (12 ой) SARS-COV-2 га қарши IgG нинг миқдори (BAU/мл) Иммунохемилюминесцент таҳлили усулида – Snibe, Maglumi анализаторлари (Хитой) компаниясининг тиббий жиҳозида бажарилди.

ZF-UZ-VAC2001 вакцинасининг самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганиш мақсадида рандомизацияланган, икки томонлама ёпиқ, плацебо-назорат тадқиқотининг 3 босқичини ўтказилди. Тадқиқотда иштирок этган катталар (≥18 ёш) тасодифий танланма усулида 1:1 нисбатда 2 гуруҳга ажратилди, 1-гуруҳ асосий гуруҳ, 30 кунлик интервал билан ZF-UZ-VAC 2001 вакцинасининг 25 мкг дозада олдилар. Иккинчи – плацебо гуруҳи вакцина ўрнига изотоник эритма қабул қилдилар. Тадқиқот 2020-2021 йиллар мобайнида ўтказилди.

Тадқиқот иштирокчилари 2 йил давомида кузатилди, ҳар 3 кунда уларнинг умумий аҳволи, шико-

ятлари call-center ходимлари томонидан сўраб турилди. Иштирокчиларда у ёки бу шикоят кузатилган вақтда тадқиқот ўтказилаётган поликлиникага мурожаат қилиш ҳамда томоқдан олинган суртма ПЗР усулида текширилиб SARS-COV-2 РНК аниқланиши маслаҳат берилди.

Якуний натижаларга кўра, асосий гуруҳдаги 11,0% кўнгиллилар ZF-UZ-VAC2001 вакцинанинг учта дозасини олгунча вақт оралиғида юқори нафас йўллари инфекцияларининг асосий белгилари: бурун битиши – 79,8% , йўтал – 49,5%, иситма – 26,9%, томоқда оғриқ – 55,1%, ҳансираш – 7,1%, таъм билишни бузилиши – 17,0% кузатилди.

Ушбу кўнгиллиларнинг барчасида SARS-COV-2 РНК томоқдан олинган суртмани ПЗР усулида текшириш орқали аниқланди ҳамда уларнинг 46,0% шифохонада даволанди. Беморларнинг 0,5% да COVID – 19 инфекциясининг оғир, 29,5% – ўртача оғир ҳамда 69,9% – енгил шакли ташҳиси қўйилди. Асосий гуруҳ беморларида ўлим ҳолатлари кузатилмади.

Шикоятлар кузатилган беморларнинг 72,9% да вакцинанинг биринчи дозасидан кейинги вақт оралиғида касалланди, 21,9% вакцинанинг иккинчи ҳамда 5,1% учинчи дозадан кейинги вақтда COVID-19 инфекцияси ташҳиси қўйилди.

Вакцинанинг биринчи дозасини олгандан кейинги 14-куни, 2-дозани олган куни (30 кун), 2-дозадан кейинги 14-куни (44 кун), 3-дозани олган куни (60 кун), учинчи дозани олганидан кейин 4-ойи (6 ой) ва 10-ойида (12 ой) SARS-COV-2 га қарши IgG нинг миқдори ўрганилди (1-расм).

1-расмда келтирилганидек, биринчи дозадан кейин асосий гуруҳдаги иштирокчиларнинг 75,99%



1-расм. Асосий гуруҳ иштирокчиларида COVID-19 инфекциясига қарши эмланишга жавобан ишлаб чиқилган SARS-COV-2 га қарши IgG нинг турли даражалари (BAU/мл) (n=7436)

SARS-COV-2 га қарши IgG пайдо бўлган ҳамда ўртача 111,3±0,026 BAU/мл ташкил қилган. 2-дозани олгани келган иштирокчиларнинг 100,0% да SARS-COV-2 га қарши IgG ижобий бўлди ҳамда ўртача 152,5±0,093 BAU/мл бўлди (P<0,001), бошланғич қийматга нисбатан 1,4 баробарга кўтарилди. 1-дозадан кейинги 44-кунга келиб, иштирокчиларда IgG миқдорини 30-кундаги қийматга нисбатан 1,1 баробарга пасайди ҳамда ўртача 133,5±0,01 BAU/мл ташкил қилди. ZF-UZ-VAC2001 нинг 3-дозасини олгани келган иштирокчиларда SARS-COV-2 га қарши IgG кескин 1,3 баробарга кўтарилди (167,8±0,011 BAU/мл) (P<0,001), тадқиқотнинг 6-ойида қиймат энг юқори даражага етди ҳамда 14-кундаги қийматга нисбатан 2,6 баробар юқори бўлди (P<0,001). Тадқиқотнинг 12-ойида SARS-COV-2 га қарши IgG кўрсаткичи пасая борди ҳамда ўртача 188,7±0,02 BAU/мл ташкил этди.

Плацебо гуруҳидагиларнинг 70,1% плацебо моддасининг уччала дозасини олгунча ўтган вақт оралиғида юқори нафас йўллари инфекцияларининг турли хил белгилари намоён бўлди ҳамда барчасида COVID-19 инфекцияси ташҳиси лаборатория усулларида тасдиқланди. Плацебо гуруҳи иштирок-

чилари орасида COVID-19 инфекцияси билан касалланиш эҳтимоли асосий гуруҳга нисбатан 19 баробарга юқори бўлди. Ушбу гуруҳда касаллик белгиларини учраш даражаси асосий гуруҳ билан қиёсий таҳлил этилганида қуйидагилар маълум бўлди: плацебо гуруҳидаги иштирокчиларнинг 70,0% да бурун битиши кузатилди ҳамда асосий гуруҳга нисбатан бурун битишининг учраш эҳтимоли 24 баробар юқори бўлди. Йўтал шикояти бор беморлар плацебо гуруҳининг 50,4% кузатилди, асосий гуруҳга нисбатан учраш эҳтимоли 17 баробарга юқори бўлди, иситма 68,6% иштирокчиларда кузатилиб, асосий гуруҳга нисбатан 72 баробарга юқори бўлди.

Плацебо гуруҳидаги касаллик белгилари кузатилган иштирокчиларнинг 63,0% шифохоналарда даволанишди.

Касалхонада даволанишга ётган асосий ва плацебо гуруҳидагилар сони ўзаро таҳлил этилганида, плацебо гуруҳидаги иштирокчиларнинг касалхонада даволаниш эҳтимоли асосий гуруҳга нисбатан 33 баробарга юқори бўлди. Плацебо гуруҳидаги касалланган кўнгиллиларнинг 23,0% ида COVID – 19 инфекциясининг оғир шакли аниқланди ҳамда оғир шаклини плацебо гуруҳида учраш эҳтимоли 56 баробарга юқори бўлди (χ^2-104,709; P<0,001).Плацебо гуруҳидаги COVID–19 инфекциясини бошдан ўтказган иштирокчиларда ҳам тадқиқот давом эттирилди. Касалликнинг 14-куни, 30-куни, 60-куни 6-ва 12-ойида SARS-COV-2 га қарши IgG миқдори ўрганилди.

2-расмда келтирилганидек, касалликнинг 14-кунида беморларнинг 100,0% да SARS-COV-2 га қарши IgG нинг кўрсаткичлари ижобий бўлди, кўрсаткич қиймати ўртача 315,7±0,09 BAU/мл ташкил қилди, 30-куни кўрсаткич қиймати унча ўзгармади ҳамда ўртача 301,2±0,087 BAU/мл бўлди (P<0,001), тадқиқотнинг 44-кунга келиб, IgG миқдори олдинги қийматга нисбатан 1,12 баробарга пасайди ҳамда ўртача 267,5±0,008 BAU/мл ташкил қилди, кейинги кунларда ҳам IgG миқдори пасайишда давом этди. Тадқиқотнинг 12-ойида ўртача 197,8±0,07 BAU/мл бўлди ва бошланғич кўрсаткичига нисбатан 1,6 баробарга пасайди.

Асосий ва плацебо гуруҳларида SARS-COV-2 га қарши IgG қиймати қиёсий равишда таҳлил этилганида, касалликни ўтказгандан сўнг ушбу кўрсаткич вакцинанинг биринчи дозасини олган иштирокчиларга нисбатан статистик ишонарли равишда 2,8 баробарга юқори бўлди (P<0,001), тадқиқотнинг 30-кунига келиб гуруҳлар ўртасидаги фарқ 1,97 баробар бўлсада, статистик нуқтаи назардан ишонарли даражада бўлмади (P>0,05).

Тадқиқотнинг 44-кунига келиб асосий гуруҳда ҳам плацебо гуруҳида ҳам кўрсаткич қиймати олдинги қийматга нисбатан 1,1 баробарга пасайди, гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик ишонарли даражада бўлди (P<0,001).

60-кунга келиб асосий гуруҳда иштирокчилар қон зардобида SARS-COV-2 га қарши IgG нинг қиймати 1,25 баробарга кўтарилди, плацебо гуруҳида эса



2-расм. Асосий ва плацебо гуруҳлари иштирокчиларида COVID-19 га қарши эмланишга жавобан ишлаб чиқилган SARS-COV-2 га қарши IgG нинг даражалари (BAU/мл)

қиймат пасайишда давом этди. Гуруҳлар ўртасидаги қиймат бир-бирига яқинлашиб қолди ҳамда фарқ статистик ишонарли даражада бўлмади (P>0,05). Тадқиқотнинг 6 ойида асосий гуруҳда кўрсаткич қиймати кескин 1,7 баробарга кўтарилди, плацебо гуруҳида эса аксинча пасайди (P<0,001), 12 ойга келиб асосий гуруҳда кўрсаткич қиймати яна 1,47 баробарга пасайди ҳамда гуруҳлар қиймати ўзаро бир-бирига яқинлашди, гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик ишонарсиз бўлди (P>0,05).

Уюшган жамоаларни COVID-19 га қарши эмлашнинг иқтисодий самарадорлиги **ҳисоблаб чиқилди.**

Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш:

Эвр = [(М1-М2) + (В+Е) х 0,6] х Н – 0,15 х К

Бу ерда

М1-М2 – даволанишга кетадиган ҳаражатни тежалиши

В – даволаш-профилактика муассасасида даволаниш учун кетадиган 1 кунлик харажат

Е – меҳнат қобилиятини йўқотганда тўланадиган ўртача миқдордаги пул (сўм/кун)

0,6 – ишловчилар коэффициенти

Н – тадбиқ этиш масштаби (7436 нафар асосий гуруҳ иштирокчилари).

0,15 – самарадорлик коэффициенти

К – мавзуни амалга оширишга кетган ҳаражат

Эвр = [(М1-М2) + (В+Е) х 0,6] х Н – 0,15 х К =

[150,000 + (57450+3200) х 0,6] х 7436 – 0,15 х 2 000 000 000 = 1 085 996 040 сўм

Шундай қилиб, уюшган жамоларда COVID-19 инфекциясига қарши ZF-UZ-VAC2001 вацинасини *қўллаш орқали* 1 085 996 040 сўм тежалишига эришилади.

Хулосалар.

SARS-COV-2 га қарши IgG антитаначалари вакцина олгандан сўнг 14 кундан кейин пайдо бўлиши ва 6 ойгача юқори даражада сақланиб қолиши аниқланди;

Тадқиқот давомида плацебо гуруҳидаги беморларнинг 70,0% да COVID-19 инфекцияси ташхиси тасдиқланди;

Плацебо гуруҳида қайд этилган беморларда касалликнинг оғир шакли учраш эҳтимоли асосий гуруҳга нисбатан 56 баробарга юқори бўлди;

Уюшган гуруҳларда вакцинацияни эрта бошлаш касаллик ривожланиш эҳтимолини 19 баробарга, касалхонада даволаниш эҳтимолини 33 баробарга, касалликнинг оғир шаклини учраш эҳтимолини 56 баробарга пасйтириш имконини беради;

Уюшган жамоларда COVID-19 инфекциясига қарши ZF-UZ-VAC2001 вацинасини *қўллаш* натижасида 1 085 996 040 сўм тежалишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Курбанов Б.Ж. Коронавирус инфекциясининг (COVID-19) махсус профилактикаси (Адабиётлар шарҳи)// Инфекция, иммунитет и фармакология. Тошкент, 2021. - №1. – Б. 22-28.
2. Махсудова Х. Ф. Специфическая профилактика коронавируса в условиях современного эпидемического процесса // Материалы международной научно-практической онлайн конференции: Коронавирусная инфекция: диагностика, лечение и профилактика. – Фергана, 2021. - С.282-283.
3. Туйчиев Л.Н., Алматов Б.И., Матназарова Г.С. Коронавирус инфекциясининг этиологияси, эпидемиологияси, клиник хусусиятлари, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари // Услубий қўлланма. – Тошкент, 2020. – 35 б.
4. Dai L. Gao L., Tao L., Hadinegoro S.R., Erkin M., Ying Z., He P., Girsang R.T., Vergara H., Akram J., Satari H.I., T. Khaliq, U. Sughra, A.P. Celi, F. Li, Y. Li, Z. Jiang, D. Dalimova, J.Tuychiev, S.Turdikulova, A.Ikram, N.Flores Lastra, F. Ding, M. Suhardono, E.Fadlyana, J. Yan, Z. Hu, C.Li, I.Y. Abdurakhmonov, and G.F. Gao, Efficacy and Safety of the RBD-Dimer–Based Covid-19 Vaccine ZF2001 in Adults // The New England Journal of Medicine Downloaded from nejm.org on May. – 2022. – V. 9. - P.1-15.
5. Dhar M.S., Marwal R., Vs R. Genomic characterization and epidemiology of an emerging SARS-CoV-2 variant in Delhi// India.Science.-2021.-V.374.-P. 995-999.
6. Dolgin E. COVID vaccine immunity is waning: how much does that matter? // Nature. - 2021. – 597. - P. 606-607.
7. El Sahly H.M., Baden LR, Essink B. Efficacy of the mRNA-1273 SARS-COV-2 vaccine at completion of blinded phase New // Engl J Med. – 2021. – V.385. – P. 1774-1785.
8. Eyre D.W., Taylor D., Purver M. et al. Effect of COVID-19 vaccination on transmission of alpha and delta variants // N Engl J Med. 2022; 386: – P. 744-756.

Нигора Мухемедалиева,
Ички ишлар вазирлиги
Тиббиёт бошқармаси

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИГИ, ХИЗМАТ ШАРОИТЛАРИ, ЯШАШ ВА ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ ХИЗМАТ УЧУН АҲАМИЯТИ

Аннотация. *Ички ишлар вазирлигини тиббий қўллаб-қувватлаш тизимидаги янги функционал майдон сифатида юқумли бўлмаган касалликларни реабилитациясини яхши ташкил этилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган тиббий хизматдан мустақил равишда кўриб чиқиш мумкин эмас; унинг мавжуд тиббий ёрдам схемасига киритилиши бутун тизимнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади ва мураккаблик, узлуксизлик ва қулайлик каби асосий позицияларни яхшилашга ёрдам беради. Шу билан бирга, жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, Ички ишлар вазирлиги тизимида комплекс реабилитация технологияларининг ташкилий шакллари етарли даражада ташкил этилмаганлиги Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимига ҳам тааллуқли бўлиб, илмий тадқиқотчилар эътиборида бўлмаган ва ўрганилмаган.*

Калит сўзлар: *ҳарбий хизматчилар, касалланиш, тиббий ҳизмат, профилактика, чора-тадбирларини такомиллаштириш.*

Аннотация. *Реабилитация неинфекционных заболеваний как новое функциональное направление в системе медицинского обеспечения МВД не может рассматриваться независимо от хорошо организованной и успешно функционирующей медицинской службы; его включение в существующую схему здравоохранения значительно повысит эффективность всей системы и поможет улучшить такие ключевые позиции, как сложность, непрерывность и удобство. В то же время мировая практика показывает, что организационные формы комплексных реабилитационных технологий в системе МВД недостаточно организованы, это относится и к системе МВД Республики Узбекистан, и оно не было замечено и изучено научными исследователями.*

Ключевые слова: *военнослужащие, заболеваемость, медицинская помощь, профилактика, совершенствование мероприятий.*

Annotation. *The rehabilitation of non-communicable diseases as a new functional area in the medical support system of the Ministry of Internal Affairs cannot be considered independently of a well-organized and successfully functioning medical service; incorporating it into the existing health care scheme will greatly improve the efficiency of the entire system and help improve key areas such as complexity, continuity and convenience. At the same time, world practice shows that the organizational forms of complex rehabilitation technologies in the system of the Ministry of Internal Affairs are not sufficiently organized, this also applies to the system of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, and it has not been noticed and studied by scientific researchers.*

Key words: *military personnel, illness, medical service, prevention, improvement of measures*

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс ва жамият, айниқса, давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат.

Агар фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш, тергов ҳаракатларини, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини қўриқлаш ва узлуксиз назоратга олиш, шунингдек, хавф таҳдид солаётган мулк объектларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса, ҳудуддаги участкаларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш), транспорт воситалари ва пиёдалар қатнови чекланиши ёки таъқиқланиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширишда бўлғуси ўраб олиш (тўсиб қўйиш) ҳақида аҳолини хабардор қилиш, аҳолининг нормал ҳаёт кечиришини таъминлаш чораларини кўради, фуқароларга юзага келган вазиятда энг қулай ҳаракатланиш йўналишларини тушунтиради (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисида 2016 йил 12 августдаги Қонуннинг 19-моддаси).

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларига хизмат кўрсатиш осон жмас, бу нафақат жисмоний, балки психо-эмоционал стресс билан ҳам боғлиқ.

Бугунги кундаги коронавирус пандемия шароитида бу юкламалар янада ошди: жиноятчиликнинг олдини олиш муаммоларини ҳал қилиш ва жиноятчиликка муросасиз курашиш, карантин қоидаларига риоя этилишини таъминлаш уларнинг зиммасида, бундан ташқари, ички ишлар ходимлари ёрдамга муҳтож ватандошларининг муаммоларига бефарқ қараши мумкин эмас. Стрессларнинг ҳаддан ташқари кучайиши, тартибсиз иш вақти, вақтида овқатланмаслик, дам олиш ва ухлаш режими йўқлиги ходимларнинг соғлиғига, шунингдек, уларнинг хиз-

